201—
A

Alisher Navo
nomidagi
O'zbekiston M

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

26 (510) ● 2018 йил 4 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Партия қаноти фаолиятидан

"ЁШЛАР ҚАНОТИ" ЁШЛАРГА КЎМАКДОШ



Ёшлар — мамлакатнинг асосий таянчи ва суянчи, эртанги куннинг пойдевори. Шундай экан, замонавий билим ва кўникмаларга эга, юрт келажаги ва равнақи учун масъулиятни, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган баркамол авлодни тарбиялаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларда сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз гоя ва мақсад-вазифалари билан фаол иштирок этмоқда.

2-бет

Мансабдор шахс — ҳисобдор

ЎзМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАСЪУЛЛАР ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи ташаббуси билан вилоятдаги қатор мутасадди мансабдорларнинг вояга етмаган ёшлар таълим-тарбияси, аҳоли саломатлигини таъминлаш, туризмни ривожлантириш ва маданий мерос объектларини муҳофаза этишга қаратилган қонун ва қарорлар ижроси борасида бажарилган ишлари юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Боланинг бегонаси бўлмайди

Дастлаб Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Рустамжон Дўсматовнинг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш юзасидан ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботда қайд этилганидек, 2018 йилнинг ўтган 5 ойи якунларига кўра, вояга етмаган шахслар содир этган жиноятлар биттага (35 тадан 34 тага) камайган. Наманган, Мингбулоқ ва Тўрақўрғон туманларида ижобий натижага эришилган. Аммо Наманган шаҳри, Чуст ва Норин туманларида жиноятлар сони ўсишига йўл қўйилган.

Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларда иштирок этган 44 ўсмирнинг қилмиши таълим муассасаси ҳамда яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлари, фаоллар иштирокида муҳокама қилинди. Болаларнинг жиноят кўчасига қайта кирмаслиги борасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аҳоли бирламчи тиббий хизматдан розими?

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича эшитув ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, элимиз саломатлигини таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бирламчи тизим алоҳида ўрин тутади. Айни шу мақсадда вилоятдаги жами 211 қишлоқ врачлик пункти негизида кундузги стационари мавжуд 62 қишлоқ оилавий поликлиникаси ташкил этилди.

3-бет

Тарих ва бугун

ШОҲИЗИНДА — ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ ДУРДОНАСИ

"Аждодларингиз нечоғлик ақл-заковатли, билимли бўлганлигини улар томонидан яратилган бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Узоқ йиллардан буён сақланиб келаётган бу обидалар ўтмишдан сўзлайди. Тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўзбек замини довруғини дунёга ёйишга хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам Ўзбекистон сайёҳлар келиб кўришни орзу қиладиган мамлакатлардан бирига айланган".

Бу — Жанубий Кореялик сайёҳ Ёнг Ми Лининг сўзлари.



Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳудуди қадимий обида ва маданий ёдгорликларга бой. Шаҳар ва қишлоқларимизда бой тарихимиздан далолат берган меъморий обидалар, қадимий шаҳарларимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятининг кўзгусидир. Улар халқимиз ўтмишини ўзида мужассам этган миллий қадрият сифатида бебаҳо мулк ҳисобланади ва ҳар бири ўзига хос тарихга эга.

Хусусан, зукко ажодларимиз томонидан яратилган Самарқанддаги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи ҳам ўтмиш меъморий гўзаллик латофатини ўзида намоён этган бетакрор маданий меросларимиздан бири.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида 40 дан ортиқ мақбара мавжуд бўлиб, архитектура ечими, нақшиннигорлари билан бир-биридан ажралиб туради. Унинг юқори қисмидаги мақбараларни Соҳибқирон Амир Темур XIV-XV аср бошларида барпо қилдирган. Паст қисм мақбараларни эса Мирзо Улуғбек қурдирган. Мажмуада, шунингдек, бир қатор номаълум мақбаралар ҳам мавжуд.

6-бет

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

"ҚАЧОНГАЧА КЎКДАН ЧАЛПАК КУТАДИРСАН?.."

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Обод қишлоқ" дастури юртимизнинг олис қишлоқ ҳудудлари кўркига кўрк қўшмоқда, фуқароларимиз қалбини нурга тўлдирмоқда ва уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Бир пайтлар кишилар кўнглида фақат ушалмас орзудек бўлган бу фаровонлик бугун ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётир.

Дастур асосида Хоразм вилоятининг бир қатор қишлоқларида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Боғот туманининг Ашхобод ҳамда Маънавият қишлоқларида айни кунларда қизғин бунёдкорлик жараёни кечаётир. Улар-ку туман марказига нисбатан яқинроқда жойлашган, аммо дастурга киришни интиқлик билан кутаётган чекка қишлоқ ва маҳаллалардаги бугунги аҳвол қандай?

Ҳолат билан яқиндан танишиш мақсадида Қораёнтоқ қишлоғи томон йўл олдик. Қишлоқ учта, яъни "Боғзор", "Навбаҳор" ва "Ўзбекистон" маҳаллаларидан иборат бўлиб, унда 2 минг 119 хонадонда 14 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Урганч – Ҳазорасп йўлидан шундоқ Қораёнтоқ қишлоғи марказига олиб борувчи йўл бўйлаб юришингиз биланоқ кайфиятингиз тушиб кетади. Чунки йўлнинг ўзи ичкаридаги ҳолат ҳақида олдиндан хабар бериб қўяди. Бу худди касалликни яшириш тугул, у ҳақда тузукроқ маълумотга эга бўлмасингданоқ ошкор қиладиган иситмага ўхшайди. Хаёлингга мақол кетидан мақол ўрлайверади. Буёғи "йўл азоби — гўр азоби". Қишлоқ аҳлининг асосий қатновини таъминлайдиган ушбу йўл яқин йигирма йил ичида йўлсозларни "узо-оқдан бўлса ҳам" кўрганга ўхшамайди.

"Боғзор" маҳалласи ҳудудида жойлашган 34-умумтаълим мактабининг 464 ўринга мўлжалланган икки қаватли биноси 1991 йилда бунёд этилган. Бу ерда ўқувчилар икки навбатда таълим олади. Биз борган пайт ўқитувчилар синфхоналарни ўзлари ҳаминқадар таъмирлаб, янги ўқув йилига тайёрлашаётган экан. Полга тўшалган ленолиумлар йиртилиб кетган.

5-бет

Муносабат

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУҒ ВА БЕБАҲО НЕЪМАТ

Мустақиллик миллий ўзлигимизни, инсоний қадр-қимматимизни қайта тиклаш, она тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва анъаналаримизни улуглаш имконини берди. Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очиб, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирди. Тарихимизга улкан тараққиёт ва ривожланиш йиллари сифатида битилган ўтган йигирма етти йиллик қисқа давр мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида унутилмас, асрларга татигулик йиллар бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 июнь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу қутлуғ сана, улуғ неъматнинг йигирма етти йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қарорга асосан бу йилги истиқлол шодиёналари "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" деган ғоя асосида кенг нишонланади. Ушбу ғоя асосида, ундаги ҳар бир сўз замирида халқимизнинг кўп йиллик орзу-интилишлари, Ватанга садоқати, юртпарварлиги мужассам. Бу улуғвор ғоя халқимизни бирлаштиришга, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳар биримизни она Ватан равнақи йўлида ёниб яшаш ва ишлашга ундайди.

Мустақиллик куни оддий байрам эмас. Бу халқимизга ўзлигини қайтариб берган, миллий ғуруримизни тоғдай ўстирган, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилган кун.

2-бет

Қонун имзоланди

ҚОНУНДАН БОХАБАРЛИК — ҲУҚУҚИЙ ҚАЛҚОН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган **"Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"**ги қонун куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган мазкур қонунда чилим ва электрон сигареталарни чекишни реклама қилишни чеклаш ва тарғибот қилишни тақиқлашга оид меъёрлар ўз аксини топган. Шунингдек, жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга масъул шахслар, уларнинг мажбуриятлари белгиланди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу қонун инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган чилим ва электрон сигареталар кенг тарқалишининг олдини олиш, чекмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, унда кўзда тутилган меъёрлар хусусида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова билан суҳбатимиз газетамизнинг келгуси сонида ҳукмингизга ҳавола этилади.

Таҳририят

Хиёбон

СЎНГГИ ҲИМОЯ ҚУРОЛИ

ЁХУД РАКЕТАДАН ҚУДРАТЛИ, ГУЛДАН НОЗИК КУЧ

ТАНИҚЛИ ШОИР, "МАЪНАВИЙ ҲАЁТ" ЖУРНАЛИ БОШ МУҲАРРИРИ ЭШҚОБИЛ ШУКУР БИЛАН СУҲБАТ

— Бугун мамлакатимизда ижод аҳлига бўлган эътибор ва муносабат ҳар қачонгидан-да ўзгача. Буни ўтган йили давлатимиз раҳбарининг юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашуви, шоир-ёзувчиларга кўрсатилаётган ҳурмат, улар учун яратилаётган шарт-шароитларда яққол кўриш мумкин. Бу ўзгариш ва янгиланишларни шахсан қандай баҳолаган бўлардингиз?

— 2017 йилнинг 3 августида Президентимизнинг юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашуви мамлакатимиздаги ҳар бир ижодкорга катта ижодий рағбат бағишлади. Ушбу учрашувдан сўнг 7 августдан 17 августгача бўлган вақт оралиғида давлатимиз раҳбарининг соҳага оид 10 та қарори қабул қилиндики, ҳали бунақаси тарихда бўлмаган, десак сира муболаға бўлмайди. Бу тарихий қарорларнинг ҳар бири маданиятимиз, санъатимиз, адабиётимиз ва миллий маънавиятимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Шундан сўнг кўп ўтмай, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбони барпо этилди. Салкам 90 йил мобайнида тузукроқ бинога эгалик қилолмаган Ёзувчилар уюшмасига бор-йўғи етти-саккиз ойлик фурсатда замонавий муҳташам бино қуриб берилди.

8-бет

MILLIY TIKLANISH
26 (510) 2018 йил 4 июль, чоршанба

Партия қаноти фаолиятидан

"ЁШЛАР ҚАНОТИ" ЁШЛАРГА КЎМАКДОШ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

30 июнь — Ёшлар кунига бағишлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" ҳамда партиянинг қуйи палатадаги фракцияси ташаббуси билан "Партия фаолиятида "Ёшлар қаноти"нинг ўрни ва роли" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда фракция аъзолари, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсатига кўмаклашиш борасидаги фаолияти, "Ёшлар қаноти"нинг амалга ошираётган қатор лойиҳалари, ташаббуслари, келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди.



— Давлатимиз раҳбари ўтган йили парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, олдимизда муҳим вазифалар турганини алоҳида таъкидлаган эди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтган давр мобайнида ушбу танқидий-таҳлилий маърузадан келиб чиқиб, ёшлар билан ишлаш масаласига устувор аҳамият қаратиб келмоқда. 205 мингга яқин партиямиз аъзоларининг 110 минги, қарийб 54 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар эканлиги, яъни партия сафида ёшлар кўпчиликни ташкил этиши ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишни тақозо этади. Фаолиятимиз давомида партия "Ёшлар қаноти" томонидан қатор самарали ва ҳаётий лойиҳа ҳамда ташаббуслар амалиётга татбиқ этилди. Масалан, "Хизмат — беминнат", "Навоий ворислари", "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй" каби лойиҳалар асосида минглаб ёшларнинг турли касб-ҳунар ва билим эгаллашига, истеъдоди ва иқтидорини кашф қилишга, шунингдек, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга эришилди.

2017 йилда биргина "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 320 бепул ўқув курслари ташкил этилиб, 2 минг 600 ўғил-қизга 450 кўнгилли фан ўқитувчиси ва ҳунармандлар томонидан бепул билим берилди, ҳунар ўргатилди. 2018 йилнинг ўтган даврида ўқув курсларида иштирок этаётганлар сони 2 минг 800 нафарни ташкил этмоқда. Ушбу лойиҳанинг муҳим жиҳати — ўқув курсларига асосан фанлардан ўзлаштириши паст, уюшмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари жалб этилди. Бундан ташқари, жойларда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал этишга кўмаклашиб келмоқда. Масалан, ўтган йили 1 минг 800 га яқин хонадонга кирилиб, йигит-қизларни қийнаётган масалалар ўрганилди. Натижада 440 дан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилди. Жорий йилда эса 11 ярим мингга яқин хонадонга кирилиб, 30 мингдан ортиқ ёшларнинг муаммолари жойида ўрганилди ва ҳал этилди. 150 дан ортиқ йигит-қизларга имтиёзли кредит олиб, ўз мустақил фаолиятини бошлашига кўмаклашилди. Бундан кейинги фаолиятимизда ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларига ижобий ечим топишга қаратилган амалий ишларимизни янада кенгайтириш лозим. Бир сўз билан айтганда, партия "Ёшлар қаноти" ёшлар орасига янада чуқур кириб бориб, улар билан ёнма-ён бўлиши, энг муҳими, муаммоларга барҳам бериши партиямиз сафида навқирон авлод вакилларининг янада кўпайишига хизмат қилади.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова сўз олиб, партия "Ёшлар қаноти"нинг янги ғоя ва ташаббуслари хусусида тўхталиб ўтди. Қайд этилганидек, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" Тошкент шаҳри марказида Давлат байроғи майдонини бунёд этиш таклифини илгари сурмоқда. Кенг жамоатчилик орасида ва ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокама қилинаётган ушбу ташаббуснинг амалга ошиши ёш авлодни ватанпарварлик, ўзликни англаш, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурурни мустаҳкам қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда партия "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ташкил этилаётган "Кўмак" тарғибот гуруҳи фаолияти, олдида турган мақсад-вазифалари борасида ҳам тўхталиб ўтилди.

— ЎзМТДПнинг ушбу ташаббуси ёшлар фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Давлатимиз раҳбари ёшлар онгидаги ғоявий бўшлиқларни биз ўзимиз тўлдирмасак, бошқалар тўлдириши мумкинлиги борасида кўп бор таъкидлайди. Дарҳақиқат, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий дунёсини бойитиш, бунда ёшлар тенгдошлари орасига кириб бориши лозим. Шу маънода ўз олдига амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, навқирон авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасини ўстиришга кўмаклашишни мақсад қилган "Кўмак" тарғибот гуруҳлари йигит-қизларда етакчилик қобилиятини шакллантириш ҳамда фаол ёшларни кашф этишда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг бундан кейинги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Партия сафида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ёшлар партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муқаддас ТАЙЛАНОВА,
Миробод туманидаги "Резалт" ўқув маркази чет тили фани ўқитувчиси:

— ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг қатор ташаббус ва лойиҳалари кўпчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда. "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ўқув марказимизда бепул ўқув курслари ташкил қилиб, корейс ва инглиз тилидан ўғил-қизларга сабоқ бериб келаман. Айни пайтда 20 нафар ўқувчи таҳсил олиб, билимларини оширмоқда. Бундай беминнат хизматдан ҳам ўқувчилар, ҳам ота-оналар беҳад мамнун. Партиянинг бу каби амалий ишлари, илғор ташаббусларида бундан буён ҳам фаол қатнашиш ниятидаман. "Кўмак" тарғибот гуруҳи фаолияти доирасида ҳам кўплаб тенгдошларимизнинг муаммоларини ўрганиш, ечим топиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш имконига эга бўламиз.

* * *

30-июнь — Ёшлар куни муносабати билан ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида байрам тадбирлари, партия вилоят кенгаши раисларининг ёшлар билан мулоқоти ташкил этилди. Тадбирларда фаол ёшлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М.КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУҒ ВА БЕБАҲО НЕЪМАТ

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий соҳа, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва спортни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада қизғин тус олиб, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш ва инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш энг асосий омил сифатида ҳар бир идора, ташкилот ва мутасаддиларнинг эътибор марказидаги масалага айланди. Дарҳақиқат, биз халқ вакиллари ҳам жойларда хонадонма-хонадон юриб, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга, улар учун қулай шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратмоқдамиз. Бундан асосий мақсад — одамларни шу юрт фуқароси эканлигидан, ўз ҳаётидан, турмушидан рози қилиш. Юзма-юз мулоқотларда аҳоли вакиллари бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан бохабар эканлигига, энг муҳими, улар ўз ҳаётидаги, истиқомат қилаётган ҳудудларидаги ижобий ўзгаришлардан мамнунлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Одамларни рози қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, ўз навбатида, юртимизда тинчлик-хотиржамлик, осойишталикни таъминлайди, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, буюк келажак сари дадил қадам ташлашга рағбат бўлади.

Шундай экан, барча соҳадаги кенг кўламли ислоҳотларга кўмакдош бўлишимиз, "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида нишонланадиган бу йилги байрам шодиёналарида, унга тайёргарлик кўриш ишларида фаоллик кўрсатишимиз зарур. Айниқса, миллий тикланиш ва ўзликни англаш ғояларини илгари сурувчи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ҳам истиқлол йилларида босиб ўтган шонли ва шарафли йўлимиз, улкан ютуқларимизнинг аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказишимиз, эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.



Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ФАРОВОН ҲАЁТ ГЎЗАЛ ТАРБИЯДАН БОШЛАНАДИ


Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригида "ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустаҳкам ўрнингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз", дея таъкидланди. Президентимизнинг бу сўзлари ёшлар қалбида фахр-ифтихор туйғуси билан бир қаторда масъулият ҳиссини ҳам янада оловлантирди.

Тарихий маълумотларга кўра, эрамиздан олдин бунёд этилган Миср эҳромлари деворларига "Ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз лозим" деган мазмундаги фикрлар ёзилган экан. Демак, ёшлар таълим-тарбиясига барча замонларда ҳам энг муҳим ва устувор масала сифатида қаралган.

Ҳа, мамлакатимизда ҳам келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 20 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга жорий қилинди. Ёшлар учун янги иш ўринларини очиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида арзон уй-жой билан таъминлаш, ёшларни касбга ўргатиш ва малакасини ошириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга оид сиёсати ва унинг амалий натижалари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътибор билан кузатилмоқда ва юксак қизиқиш билдирилмоқда. Яқинда Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон Президенти таклифи билан ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинди. Мурожаатда ёшларни сўнгги йилларда тобора илдиз отиб бораётган терроризм ва диний экстремизмдан ҳимоя қилиш, бундай таҳдидларга куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ёшларнинг онгу тафаккурини маънавият-маърифат асосида шакллантириш, миллий урф-одатлар, диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш орқали курашиш каби масалалар баён қилинган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ҳам ёшлар таълим-тарбияси масалаларига алоҳида тўхталиб, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилган эди.

Шу ўринда Президентимизнинг раҳбар кадрларни тайинлаш борасида ёшларга бўлган юксак ишончи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Юрт келажаги учун жонини тикишга тайёр, ватанпарвар, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида шунчаки иштирокчи бўлмай, янгича инновацион ғоя ва таклифлар билан фаол қатнашаётган бир гуруҳ иқтидорли, тажрибали ёшлар турли вазирлик, идора, йирик компания ва бошқа нуфузли ташкилотларга масъул лавозимларга тайинланмоқда. Модомики, давлатимиз раҳбари ёшларга юксак ишонч билдираётган экан, шунга яраша муносиб жавоб қайтаришимиз, бугунги кенг имконият ва шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда Юртбошимизга кўмакдош бўлишимиз лозим.



Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзМТДП фаоли

Кўрик-танлов

ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида, хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" анъанавий тарзда ўтказиб келаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" шиори остидаги "XXI аср аёли" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида шу ҳақда сўз борди.

Унда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, олий таълим муассасаларининг профессорлари, тадқиқотчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбоев, кенгаш раисининг оила ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари Васила Файзиева, Тошкент давлат педагогика университети проректори Одил Қўйсинов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оила асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳим йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ибратли анъана ва қадриятларимизнинг мазмунини ёшларга тўғри етказиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий кўмаклашиш, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Анъанавий "XXI аср аёли" кўрик-танлови жамиятда хотин-қизларнинг ролини янада кучайтириш, партия сафидаги энг фаол, ташаббускор, жамоа ва оилада намуна кўрсатаётган аёлларни аниқлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини кенг татбиқ қилиш мақсадида ташкил этилган.

Танловда ҳар бир иштирокчи ўзининг сиёсий-ҳуқуқий билимини, ижодий қобилияти ва ташаббускорлигини намоён этди. "Партия менинг тақдиримда", "Партия фаолиятида ташаббусларим", "Партия дастури ва қонунчиликка таклифлар" шартлари бўйича интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди.

Яккасарой тумани вакили, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 3-босқич талабаси Дилрабо Исроилова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи ўринга Шайхонтоҳур тумани тиббиёт коллежи ёшлар етакчиси Зиёда Одилова, учинчи ўринга Мирзо Улуғбек тумани вакили, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 4-босқич талабаси Сарвиноз Саксонова сазовор бўлди. Ғолиблар диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" шиори остида "XXI аср аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий, иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.



Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини янада ошириш жараёнида сиёсий партиялар, жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг "Аёллар қаноти" ҳам фаол иштирок этмоқда. ЎзМТДП сайловолди Платформасида юксак мақсадларни ўзида мужассам этган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" лойиҳаси ҳам пухта билим-малакага эга бўлган фаол, билимли ва ташаббускор хотин-қизлар фаолиятида муҳим ўрин тутади.

— Партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар асосида ўтказилаётган танловдан кўзланган мақсад қонунчилик, ижро ҳамда суд ҳокимияти соҳаларида фаолият кўрсатаётган билимли ва малакали хотин-қизларни рағбатлантириш, партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, аҳолининг миллий сайлов қонунчилигимиз борасидаги билимини янада бойитишдир, — дейди партия вилоят кенгаши раисининг оила ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари Муҳаббат Тўрабоева. — Ушбу лойиҳани амалга ошириш жараёнида партия сафларида сиёсий ва ҳуқуқий билими юқори бўлган хотин-қизлар кўплиги маълум бўлди.

Танлов низомига кўра иштирокчилар "Партия — менинг тақдиримда", "Партия фаолиятида ташаббусларим", "Партия дастури ва қонунчиликка таклифлар" шартлари бўйича ўз билим ва малакасини намойиш этди.

Иштирокчиларнинг чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Гурлан туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Насиба Юсупова энг юқори балл тўплаб, ғолиб бўлди ҳамда республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шовот туманидаги мактаб-интернат ўқитувчиси Ҳилола Абдужабборова ҳамда Урганч давлат университети ўқитувчиси Замира Хўжаниёзова иккинчи, "Янгиариқ овози" газетаси мухбири Гулноза Умирова учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар ва барча иштирокчига ЎзМТДП вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Мансабдор шахс — ҳисобдор

ЎзМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАСЪУЛЛАР ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қисқартирилаётган ҚВПлар ўрнида янги 27 тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди, фаолияти тугатилган 34 тасининг биноси шифокорлар учун уй-жой сифатида фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, бирламчи тизимда эришилган ютуқлар, амалий ишлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам талайгина эканлиги алоҳида қайд этилди. Маълумки, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ҳар чоракда бир марта халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника бош врачлари эса ҳар ойда бир бор маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот бериши лозим. Аммо ушбу белгиланган вазифалар аксарият ҳудудларда тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги сабабли тўлақонли ижро этилмаган.

Маданий мерос объектлари қай аҳволда?

Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Мазкур йўналишда ҳали ечимини кутаётган муаммолар талайгина.





Минтақаларо маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекциясининг вилоят вакили Муҳаммаджон Қодировнинг ҳисоботида айтилишича, Наманган вилоятида 273 моддий маданий мерос объекти мавжуд, уларнинг 151 таси археология ва 99 таси архитектура ёдгорликлари, 15 таси зиёратгоҳ, 8 таси монументал ҳайкалдан иборат. Ҳар йили ушбу объектларни муҳофаза қилишга Давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари ажратилиб, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2015 йили Поп тумани Чодак қишлоғида жойлашган XVIII асрга оид Саид Жалолхўжа жомеъ масжидини қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. 2016 йилда Наманган шаҳридаги Отауллахон жомеъ масжиди ўрнида санъат галереяси барпо қилинди. 2017 йилда Наманган шаҳридаги Мулла Қирғиз мадрасаси, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қароний ёдгорлиги ва Чустдаги Мавлоно Лутфуллоҳ хиёбонида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шунга қарамай мазкур йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар етарли. Мавжуд маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Буни партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижалари ҳам яққол кўрсатиб берди. Қолаверса, айни кезда эътибор қаратилиши зарур бўлган муқаддас қадамжоларимиз ҳам борки, бунга мутасаддилар жиддий аҳамият қаратишлари тақозо этилади.

Йиғилишда депутатлар тақдим этилган ҳисоботни муҳокама қилар экан, айни масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Наманганда туризм инфратузилмаси кенгаяди

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Хуршид Абдумаликовнинг соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан берган ахбороти ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Қайд этилганидек, вилоятга сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида 2018 йилда 6 меҳмонхона бунёд этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, ҳозирда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин йилларда вилоятда жами 23 янги меҳмонхона барпо этиш ва натижада 560 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бироқ, айни пайтда вилоятда атиги 5 туристик фирма фаолият олиб бораётганини қандай изоҳлаш мумкин? Туризмни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилган тадбиркорлик субъектлари сонини ошириш, бу борада Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят бошқармаси, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар ўзаро ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни кўриши лозим.

— Косонсой, Поп, Янгиқўрғон, Чуст, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳрида ривожланиб бораётган экотуризм, агротуризм, соғломлаштириш, гастрономик, спорт, маданий туризм йўналишларини янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган 24 лойиҳани 2018 йилда тўлиқ ишга тушириш ва янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган, — деб таъкидлади Хуршид Абдумаликов.

Наманган шаҳрида барпо қилинаётган "Афсона" замонавий боғи вилоятнинг туристик салоҳияти ва жозибадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. 110 гектар майдонни эгаллайдиган боғда очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, кичик стадион, муз саройи, тўрт юлдузли меҳмонхона, савдо шохобчалари, кутубхона ва ҳунармандлар маркази, турли кўнгилочар аттракционлар барпо бўлади. 2019 йил Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган боғ йилига 100 минг кишига хизмат кўрсатади. Яна бир муҳим жиҳати бу ерда 1 минг 500 киши иш билан таъминланади.

Йиғилишда тегишли йўналишлардаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, фаолиятни тубдан кучайтириш, соҳалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари муҳокама этилган долзарб масалаларни вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессияси кун тартибига олиб чиқиш бўйича келишиб олинди.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Президентимизнинг парламент палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маданият ва туризм соҳасини ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйгани, аммо партия амалда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан етарлича фаоллик кўрсата олмаётгани танқид қилинган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда йиғилишда Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича соҳада олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, вилоятнинг мафтункор ва баҳаво жойларига сайёҳлар оқимини жалб қилишга қаратилган истиқболли таклифлар илгари сурилган ва мутасаддиларга топшириқлар берилган эди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш ҳудуднинг туризм имкониятларини янада оширади. Шундай экан, соҳа ривожига қаратилган саъй-ҳаракатларга ҳар биримиз масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Ғайратжон ТЎЙЧИБОЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Қадим тарихга эга Наманган туризм ўчоқлари, тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектларига бой замин ҳисобланади. Машҳур Ахсикент, Мунчоқтепа, Айритом, Муғтепа каби меъморий ёдкорликлар ўтмишда ушбу ҳудудда ўзига хос цивилизация ва бой маданият ривожланганидан далолат беради. Хусусан, Ахсикент археологик объекти кўп йиллар давомида эътибордан четда қолган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг 2017 йил июль ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида тарихий ёдгорликни ўрганиш борасида вазифалар белгилаб берилди. Натижада 2017 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида "Ахсикент" археология объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори имзоланди.

"Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни" мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этган чет эллик археология соҳаси мутахассислари, тарихчи олимлар юртимизнинг бой тарихи, обидалари, археологик ёдгорликлари дунё илм аҳлининг қизиқиш ва эътиборига сазовор бўлаётганини таъкидладилар. Наманган вилояти ҳокимлиги қатор мутасадди ташкилотлар билан биргаликда "Ахсикент" археологик ёдгорлик мажмуасини ташкил қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва унинг тарихини ўрганиш учун очиқ осмон остидаги музейни жиҳозлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳага асосан Ахсикент тарих ва этнография музейи, жомеъ масжиди ва мадраса, маданий ва маърифий марказ, кузатув миноралари барпо этилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар ЎзМТДП дастурий вазифалари ижросида муҳим ўрин тутади.

Маҳмуджон ИМОМНАЗАРОВ,
Поп тумани ҳокимининг инвестициялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик зоналар ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августда соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорида Поп тумани Чодак қишлоғида ички туризмни ривожлантириш ва туристик инфратузилмани яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Бу борада Поп туманида 2018-2020 йилларда туризмни ривожлантиришга мўлжалланган дастур қабул қилинди. Мазкур дастур асосида сўлим табиатли Чодакда 8 миллиард 950 миллион сўмлик 14 та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган. Айтиш жоиз, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан Боғишамол маҳалласида дам олиш масканлари ва меҳмонхоналар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Айни дамда Боён маҳалласи ҳудудида дам олиш маскани ва меҳмонхона, 2 хонали кемпинг, 8 сузиш ҳавзаси, болалар майдончаси, овқатланиш масканларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, туманда экотуризм зоналарини яратиш мақсадида Парда Турсун қишлоғида тоғ туристик ҳудудини ташкил этиш юзасидан Наманган муҳандислик-қурилиш институти олимлари билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларга бу борада таклиф киритилди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган соғломлаштириш масканлари ва меҳмонхоналар ҳудудида валюта айирбошлаш шохобчалари ва банкоматлар ўрнатиш бўйича 2018 йил якунига қадар 50 дона банкомат ўрнатилиши белгиланган.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва таққос

Бугун юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсон манфаати, халқ розилигига эришиш мақсади мужассам. Ушбу мақсад йўлида ҳар бир ташкилот, идора, мансабдор шахс, халқ вакили, қўйингки, барча даражадаги мутасадди аниқ натижага эришишга интилмоқда. Одамлар нажот истаб, ўзини қийнаётган бирор масала ечимига умидвор бўлиб, тегишли ташкилот эшигини қоқишдан, бирор вакилга юзма-юз келишдан аввал уларга ишонч билдириши муҳим омил. Ишонч бўлгандагина мутасаддилар билан юзма-юз келинади, уларга бор дарду ташвишлар тўкиб солинади. Одамлар ишончига эса уларнинг умид чироғи сўндирилмаганида, муаммосига ечим топиб берилганида эришиш мумкин.

ОДАМЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАЯПМИЗМИ?

ЁХУД ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Кейинги пайтда мамлакатимизда халқ депутатлари Кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати мустаҳкамланди. Ўзига берилган ваколатлардан самарали фойдаланган сиёсий партия ва унинг депутатлик бирлашмаларигина аҳоли ишончига кириши, жамиятда мустаҳкам мавқега, эътиборга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ҳам аҳоли ишончини қозониш, кўпсонли сайловчиларнинг ишончини оқлаш йўлида ҳаракат қилмоқда. Буни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар жойларда партия вакиллари билан биргаликда уйма-уй юриб, аҳолини ўйлантираётган, кўп йиллардан буён ўз ечимини кутаётган масалаларни ўрганиб, муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўрганишлар ва аҳоли мурожаатлари асосида тегишли ташкилот ва корхоналарга, мутасадди вакилларга депутатлик сўровлари юборилиб, аҳолининг кундалик турмуши билан боғлиқ масалаларни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари йиғилишларига муайян таклифлар ҳамда сессияларга ташаббус-масалалар киритиб, ҳудудлардаги муаммоларни ижобий ҳал қилишга ҳисса қўшаяпти, партия дастурий вазифалари ижроси ҳамда электорат манфаатлари таъминланишига эришмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам ўз зиммасидаги вазифаларни бажариш йўлида муайян ташаббусларни амалга оширмоқда. Масалан, халқ депутатлари Амударё, Элликқалъа, Қонликўл туман Кенгашларидаги депутатларимиз ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, мансабдор шахслар эшитувини ташкил этиш, доимий комиссиялар ва Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар олиб чиқиш борасида муайян натижаларга эришди. Биргина Амударё туман Кенгашида фаолият олиб бораётган 20 вакилимиз жорий йилнинг беш ойида турли масала ва муаммолар юзасидан йигирмадан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди. Партия гуруҳи ташаббуси билан Кенгаш йиғилишларида 2 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларига депутатларимиз ташаббуси билан 5 таклиф олиб чиқилган бўлса, сессияга 3 ташаббус-масала киритилди.

Аммо самарали фаолият олиб бораётган депутатлар, партия гуруҳлари билан бирга, ўз зиммасидаги вазифаларга совуққонлик билан қараётган, ваколатларидан умуман фойдаланмаётган халқ вакиллари ҳам йўқ эмас. Йил бошидан буён ҳатто бирорта депутатлик сўровини амалга оширмаган, фуқаролар мурожаатига қулоқ тутмаётган, аҳолини қийнаётган муаммога ечим топмаётган депутат ўзининг халқ вакили деган номидан, кўкрагига тақилган депутатлик нишонидан ҳеч хижолат чекмаяптимикин? Шу йилга, ўтаётган ҳар бир чоракка мўлжалланган иш режада кўзда тутилган вазифалар сарғайиб қоғозда қолиб кетиши, энг муҳими, партия ғоя ва мақсадлари асосидаги ишлар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилгани айрим депутатларни наҳотки зиғирча ўйлантирмаса, қизиқтирмаса?!

Халқ депутатлари Тахтакўпир, Нукус ва Чимбой туман Кенгашларидаги айрим депутатларимизни ана шу тоифадаги вакиллар сирасига киритиш мумкин. Мазкур туманлардаги вакилларимиз шу йилнинг ўтган 5 ойи давомида мансабдор шахснинг ҳисоботини тинглаш, доимий комиссиялар йиғилишларига таклифлар, сессияларга масала киритиш бўйича бирорта ташаббус кўрсатмаган.

— 2018 йилнинг ўтган даврида айрим туманлардаги депутатларимиз сусткашлик қилиб, ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда оқсоқликка йўл қўйганини инкор қила олмаймиз, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Хожабой Қобулов. — Масалан, халқ депутатлари Тахтакўпир, Нукус ва Чимбой туман Кенгашларидаги депутатларимиз саноқли депутатлик сўрови билан кифояланган, бошқа ваколатларидан деярли фойдаланмагани ачинарли. Ҳозирги шиддатли даврда бугунги ишни эртага қўймаслик, ҳудуддаги мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этишда ваколатлардан унумли фойдаланиш лозим. Шу боис мазкур туманлардаги депутатлар фаолияти жойига чиқиб ўрганилди, халқ вакиллари амалий саъй-ҳаракатларини жонлантириш, партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаши юзасидан тавсиялар берилди. Натижада июнь ойида улар фуқаролар билан мулоқотни жонлантириб, аҳоли мурожаатлари асосида бир нечта депутатлик сўровларини амалга оширди. Ички туризмни ривожлантириш, аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш каби масалалар бўйича доимий комиссиялар ва Кенгаш сессияларига таклиф ва ташаббуслар тайёрланмоқда, тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, халқ вакили номи билан эмас, амалий иши билан ҳурмат-эътибор қозонади. Ўтаётган ҳар бир фурсат бизни қилишимиз керак бўлган қандайдир амалий, эзгу ишлардан кечиктириши мумкин. Ҳолбуки вақтни ғанимат билиб, фурсатни қўлдан бой бермай, ўз ишига сидқидилдан ёндашган депутат аҳоли ишончига сазовор бўла олади. Юқорида тилга олинган учта тумандаги депутатларимиз ҳам ҳудуддаги мавжуд муаммоларга нисбатан эътиборни бироз кучайтирса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, фурсату имкониятлар бой берилмайди, шиддатли давр тизгини қўлдан чиқарилмайди. Энг муҳими, уларга умид билан қараётган фуқаролар ишончи сўнмайди...

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Амалий ташаббус

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ СПОРТ МАЙДОНИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар келажагимиз эгаси бўлган ёш авлод камолотида муҳим аҳамиятга эга. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Шерзод Тошматовнинг саъй-ҳаракати билан айни шу мақсадда Юнусобод тумани Юнусобод маҳалласида ёшлар учун воркаут, яъни очиқ спорт майдончаси ташкил қилинди. Маҳалла ёшлари энди ушбу очиқ спорт майдончасидан хоҳлаган вақтида бепул фойдаланиши мумкин.

Спорт майдончасини қуриш ва жиҳозлашда "Buka Boxing Sportswear" компаниясининг хизмати катта бўлди. Ушбу компания мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида турли қизиқарли тадбирлар ўтказиб келади.

— Бундай соғломлаштириш майдончаларини турли ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам барпо этишни режалаштирганмиз, — дейди "Buka Boxing Sportswear" компанияси директори Отабек Анваров. — Спорт майдончалари ўзимиз яшаётган уйнинг шундоқ ёнида қурилади. Бу эса фарзандларимизга спорт жиҳозларидан бемалол фойдаланиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва чиниқиш имконини беради. Воркаут ёшларнинг нафақат соғлиғини мустаҳкамлаш, балки уларнинг руҳий қувватини ошириш, тана тетиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Майдончанинг очилиш маросимида воркаут билан шуғулланувчи "Street Workout Uzbekistan" жамияти вакиллари турли кўргазмали чиқишлари билан барчани мамнун этди, маҳалла ёшлари учун маҳорат машғулотларини ўтказди.

Маҳалла фаоллари очиқ осмон остида бунёд этилган ушбу кичик спорт майдончаси ёшлар учун катта туҳфа бўлганини таъкидлаб, бунинг учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Шерзод Тошматов ва бошқа ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Шерзод ЮНУСОВ,
"Юнусобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда очиқ осмон остидаги спорт майдончасининг очилишида ташаббус кўрсатган депутат Шерзод Тошматовга маҳалла фаоллари, жумладан, ёшларимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Ушбу майдонча маҳалламизда кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда уюшмаган ёшларни спортга жалб қилиш ва бу орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлиғини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга. Ёш авлод камолоти учун хизмат қиладиган ушбу маскан имкониятларидан самарали фойдаланиш маҳалламиз ёшларини баркамол қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

Мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЎзМТДПГА ИШОНЧ ИФОДАСИ



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрганишлар давомида Шомохулум маҳалласида яшовчи Зулфия Абдуллаеванинг полиартрит касаллигига чалингани, ишлаш имконияти йўқлиги, шу боис моддий қийналиб қолгани аниқланди. Фуқаро ёшлигида ўрганган ҳунари, яъни пайпоқ ва бошқа кийимлар тўқиш билан шуғулланиб тирикчилик қилиши мумкинлиги, аммо бунинг учун калава ип олишга маблағи йўқлигини билдирди. Депутат Ўктам Раҳимов бу масалада Зулфия опага ҳомийлар кўмагида ёрдам берадиган бўлди.

Шоҳиста Жабборова ҳам ўз вақтида иш тополмаган. Тикувчилик билан шуғулланишга қизиқса-да, тикув машинаси сотиб олишга қўли калталик қилган. Дардини депутатга айтган фуқаронинг бу муаммосига ҳам ечим топилди: ҳомийлар ёрдами билан унга тез кунда тикув машинаси олиб бериладиган бўлди.

Шу маҳалладаги Дўстлик кўчасида истиқомат қилувчи Эътибор Қурёзова депутатга мурожаат қилиб, хонадонида товуқ боқиш имкони борлигини, аммо бунга ҳозир маблағи йўқлигини, иложи бўлса 50 бош товуқ сотиб олишда кўмак беришини сўради. Депутат аралашуви билан Эътибор опага ҳомийлар кўмагида 50 бош товуқ сотиб олиб берилди.

Аҳоли билан мулоқот қилиш ва уларнинг муаммоларини ўрганишда ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши вакилларининг жойларда ўтказаётган сайёр қабул ва учрашувлари самарали кечмоқда. Партия вилоят кенгаши фаоллари аҳоли муаммоларини аниқлаш, уларни ижобий ҳал қилишда барча имкониятдан унумли фойдаланишга интилмоқда.

— Партия вилоят кенгаши вакиллари ўтказаётган сайёр қабулларга депутатлар билан бирга маҳаллий ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва коммунал соҳалари масъул ходимлари ҳам жалб қилинмоқда, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Шокир Бобожонов. — Бу эса аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, уларга жойида ечим топиш имконини бермоқда. Бу каби амалий учрашувлар одамларнинг партиямизга бўлган ишончини оширмоқда. Буни вилоят партия ташкилотига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар сони ортаётганида ҳам кўриш мумкин. Шу йил бошидан буён 277 мурожаат келиб тушган бўлса, шунинг 100 таси май ойига тўғри келади. Улардан 80 тасини ижобий ҳал қилишга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, ҳар бир ижобий ҳал қилинган мурожаат ҳам партия нуфузи ошишига, ҳам фуқароларнинг оғирини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Чунончи Ҳазорасп тумани Боғдор маҳалласида яшовчи Сафарбой Қурбонов ўғли — I гуруҳ ногирони Руслан Қурбонов учун моддий ёрдам ажратилиши ҳамда мева шарбати тайёрлайдиган ускуна сотиб олишда амалий ёрдам берилишини сўради. Фуқаронинг партия ташкилотига қилган мурожаати ижобий ҳал қилинди.

Янгибозор тумани Уйғур қишлоғи Барҳаёт маҳалласида яшовчи Шавкат Саидмаматов кам таъминланган оила эканлиги ва соғлигида муаммолар борлиги сабабли маҳалладан моддий ёрдам пули ажратилишида кўмак сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат бўйича партия аралашуви билан маҳалладан комиссия хулосасига асосан моддий ёрдам ажратиладиган бўлди.

Фуқаролар мурожаати билан ишлаш партиянинг электорат олдидаги масъулияти ва фаолларнинг жавобгарлигини ошираётир. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ЎзМТДПга бўлган ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Алишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Маҳаллий Кенгашларда

Мамлакатимизда ўғил-қизларни китобга ошно қилиш, эртамиз эгаларини ватанпарварлик ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар бугун янгича мазмун ва кўлам касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори мутолаа маданияти ва китоб савдосини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ ЮКСАЛСА, МИЛЛАТ ЮКСАЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам ёш авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик тармоғига қизиқишни ошириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифалардан этиб белгиланган. Бундан ташқари, партия халқимиз тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш тарафдори.

ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партия сайловолди Платформасида белгиланган ушбу мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2017 йилда жойларда китобхонлик ва китоб савдосига доир бир қатор масалалар маҳаллий Кенгашлар сессиясига олиб чиқилди. Масалан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан сессияда "Вилоятда ахборот соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши, бу борада вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси фаолиятини ривожлантириш, китоб дўконларини ташкил этиш, маҳаллий даврий нашрларнинг муассислари масъулиятини янада ошириш тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори қабул қилиниб, қатор мутасадди ташкилотларга аниқ вазифа ва топшириқлар юклатилди.

Сессия қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда ҳудуддаги даврий нашрлар таҳририятлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Каттақўрғон тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Каттақўрғон ҳақиқати", Қўшработ туман ҳокимлигининг "Истиқбол сари", Самарқанд туманидаги "Гулобод тонги" газеталари таҳририятлари янги бино билан таъминланди. Шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари мавжуд китоб дўконлари ҳолатини танқидий ўрганди, улар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда янги китоб дўконлари ташкил этиш учун бино ва ер участкалари ажратиш чораларини кўрмоқда.

Халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан 2017 йили туман Кенгаши сессияси муҳокамасига "Миришкор туманида кутубхоналар, китоб дўконлари ташкил этиш, таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларининг белгиланган талаблар асосида ишлашини таъминлаш, аҳолини китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш чораларини кўриш тўғрисида"ги масала киритилди. Шу асосда туман Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида туманда аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда ушбу йўналишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Айни пайтда туман ҳокимлиги ихтисослашган китоб дўконлари учун аҳоли гавжум ҳудудлардан ер участкалари ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини кўриб чиқиш, кутубхона ва китоб дўконларини замонавий талаблар асосида қуриш, қарорда белгиланган чора-тадбирлар ижросини назоратга олиш, аҳолининг кутубхона ва китоб дўконларига қатнови учун қулайликлар яратиш борасида амалий ишлар олиб бормоқда. Тумандаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида кутубхоналар ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрланиб, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Кутубхона ва маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувлар, китоб байрами, ярмаркалар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, сессия қарорига мувофиқ Миришкор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига таълим муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бадиий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётлар, зарур жиҳозлар ҳамда ёнғинга қарши воситалар билан таъминлаш, чоп этиладиган китобларни нашриётлардан арзон нархларда етказиш, жойларда аҳоли ўртасида мунтазам равишда янги китоблар тақдимотини ўтказиш каби вазифалар топширилди.

Мутолаа ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган масалаларни 2018 йилда ҳам маҳаллий Кенгашлар сессиясига олиб чиқиш режалаштирилган. Айни пайтда халқ депутатлари Жарқўрғон ва Музработ туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари китобхонлик ва китоб савдосига доир масалаларни ўрганмоқда.

Китобхонлик ва китоб мутолааси бўйича белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш ЎзМТДП гуруҳлари томонидан босқичма-босқич амалга оширилади. Партия тизимидаги бу ишлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга, ёш авлоднинг маънавий камолотига, бир сўз билан айтганда, партия дастурий вазифалари ижросига хизмат қилади.

Аҳлиддин ЖУМАЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Муаммо ечим топди

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН...

Халқ билан тизимли ва доимий мулоқот қилиш, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш депутат фаолиятининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида аҳоли билан учрашиб, уларни қийнаётган қатор муаммоларга ечим топишга кўмаклашмоқда.



АВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Учрашувлардан бирида халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига сайланган депутат Гулчеҳра Равшановага Бухоро шаҳри Сомий кўчаси 13-уйда яшовчи Суҳроб Ражабов иш тополмаётгани юзасидан мурожаат қилди. Депутат кўмагида у 62-маҳалла фуқаролар йиғинида ўз иш фаолиятини бошлади.

Шу ҳудудда яшовчи Насиба Остонова бахтсиз ҳодиса сабаб ногирон бўлиб қолган. Унинг ҳам иш масаласидаги мурожаати Гулчеҳра Равшанованинг эътиборидан четда қолмади. Шу куннинг ўзидаёқ фуқаро депутат кўмагида Бухоро шаҳридаги 26-умумтаълим мактабига ёшлар етакчиси вазифасига ишга жойлаштирилди.

— Ўзим қизиққан, яхши кўрадиган иш билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлганидан хурсандман, — дейди Насиба. — Ўз меҳнатим билан оиламга, жамиятга фойдам тегиши учун бор куч-ғайратимни ишга соламан...

Депутат Бухоро шаҳрининг Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси 153-уй 77-хонадонида истиқомат қилувчи I-гуруҳ ногирони Дилфуза Турғунова хонадонига бориб, унинг ҳолидан хабар оларкан, яна бир муаммонинг устидан чиқди: ўтган икки ой давомида фуқаронинг нафақа пули ўз вақтида етказиб берилмаган экан. Депутат кўмагида ушбу масала ҳам ижобий ҳал этилди — шу куннинг ўзидаёқ маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари нафақа пулларини тўлиқ етказди ва бундан кейин ҳам ўз вақтида етказиб бериладиган бўлди.

"Ўтрор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувларда аҳоли ҳудудда жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилмагани, бу кекса-ю ёш учун бирдек муаммо келтириб чиқараётганидан шикоят қилиб, доимий транспорт қатнови зарурлигини билдирди. Депутат саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги "Дўлама", "Работиқози" маҳалла фуқаролар йиғинларига туташ йўлларда ҳаракатланувчи автобус қатнови йўлга қўйилди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз — халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Гулчеҳра Равшанова. — ЎзМТДПнинг "Уйма-уй" лойиҳаси ҳам бу борада ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу орқали биз ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқотга киришяпмиз, мавжуд муаммоларни ўрганиб уларни зудлик билан ҳал қилишга бел боғлаганмиз. Бу йўлда ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

ФУҚАРОГА НОГИРОНЛИК АРАВАЧАСИ ОЛИШИДА КЎМАКЛАШИЛДИ

Халқ депутатлари Коғон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерали Ҳожиев ҳам аҳоли вакиллари билан учрашувларда уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Депутат Коғон шаҳри Халқлар дўстлиги кўчаси 23-уй 22-хонадонда яшовчи Ринат Мирзақуловнинг хонадонида бўлди. Аниқланишича, хонадон соҳибининг ўғли — 2004 йилда туғилган I-гуруҳ ногирони Беҳзод Фармоновга ногиронлик аравачаси ниҳоятда зарур. Маҳаллада кам таъминланган оила рўйхатида турувчи ушбу хонадоннинг ногиронлик аравачасига бўлган эҳтиёжи бир неча бор тегишли масъулларга билдирилишига қарамай, пайсалга солиб келинган. Депутат Шерали Ҳожиев мазкур масалани шу куннинг ўзидаёқ ижобий ҳал этди.

— Бир неча ой давомида ечилмаган муаммоиз ЎзМТДПдан сайланган депутат кўмаги билан ҳал этилганидан жуда мамнун бўлдик, — дейди Дилфуза Мўйинова. — Энди ўғлим аравачада ҳаракатланишда ўзини жуда яхши ҳис этяпти. Депутатларнинг фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиб, муаммоларимизни ўрганаётгани ва, энг муҳими, уларни ҳал этишга кўмакдош бўлаётгани эътиборга молик.



Шу ҳудудда яшовчи Зулфизар Расулова депутат билан мулоқот чоғида уй-жойга эҳтиёжи борлигини, 2 хонали уйда иккита оила истиқомат қилаётганини билдириб, арзон турар-жойлардан олишда кўмак сўради. Ногиронлиги бўлган фарзанди билан қийналиб қолган Зулфизарнинг муаммоси депутат ташаббуси билан ижобий ҳал этиладиган бўлди. Фуқаро жорий йилда уй олиши учун рўйхатга киритилди ва ушбу масала депутат назоратига олинди.

Учрашувлар давомида Бирдамлик кўчаси 11-уй 6-хонадонда истиқомат қилувчи Қундуз Сафарова, Халқлар дўстлиги кўчаси 14-уйнинг 12-хонадонида яшовчи Шаҳноза Бобоқулова депутатга ишга жойлашиш масаласида ёрдам сўраб мурожаат этди. Шерали Ҳожиев бу масалани жойида ўрганиб чиқди ҳамда мурожаатларни ижобий ҳал этди. Энди Қундуз Сафарова ҳамда Шаҳноза Бобоқулова ўз мутахассисликлари бўйича иш ўрнига эга бўлди.

"Арабхона" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шаҳзод Усмонов ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича таълим олишга иштиёқи борлигини ва бунинг учун тўлов имконияти йўқлигини айтиб, ёрдам сўради. Депутат Шаҳзоднинг оилавий шароити ва қизиқишларини инобатга олиб, уни ЎзМТДПнинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида бепул таълим олишга йўналтирди. Эндиликда у халқ таълими аълочиси Азамат Собиров ташкил этган ўқув курсида билимини мустаҳкамлайдиган бўлди. Шунингдек, депутат Шерали Ҳожиев ёрдами билан мазкур лойиҳа доирасида когонлик ёшлар — Ҳусниддин Шамсиддинов ҳамда Юсуф Барноев моҳир педагог Бобир Қиличовдан математика фанининг сир-асрорини ўрганмоқда.

Бир сўз билан айтганда, депутатларнинг бу каби амалий ишлари аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳаётдан рози бўлиб яшашида муҳим омил бўлаётир. Бу эса партиянинг энг муҳим вазифалари сирасига киради.

Муслима РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Хизмат — беминнат"

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларга фанлар бўйича беминнат билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш бўйича самарали лойиҳага айланиб улгурди. Айниқса, ушбу лойиҳа чекка ҳудудларда яшовчи ёшларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

ЁЗГИ ТАЪТИЛДАГИ БЕПУЛ КУРСЛАР

НАМАНГАНЛИК ЮЗЛАБ ЁШЛАРНИ ҚЎШИМЧА КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРМОҚДА

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳам ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарида турли фан ва касб-ҳунарга йўналтирилган бепул тўгараклар фаолиятини йўлга қўйган. Мазкур хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаш истагидаги устозларнинг беминнат саъй-ҳаракатлари ва лойиҳани амалга оширишдаги самарали меҳнатлари ўз натижасини бермоқда.

2018 йилнинг биринчи чораги давомида вилоятда ана шундай 27 тўгарак ўз фаолиятини бошлаган бўлса, иккинчи чоракда уларнинг сони яна 11 тага кўпайди. Қайд этиш жоиз, бепул ўқув курсларида 200 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари, фанлардан ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар ва уюшмаган ёшлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича сабоқ олмоқда.

— "Хизмат — беминнат" лойиҳаси партиянинг ёшларга ҳар томонлама ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий ғурур, жасорат ва матонат руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган йирик лойиҳаларидан биридир, — дейди ЎзМТДП Учқўрғон туман кенгаши раиси Илҳомжон Абутжонов. — Бугун мазкур лойиҳа доирасида туманимизда 13 тўгарак фаолият юритмоқда. Тумандаги бир гуруҳ устоз ва мураббийлар ўз ихтиёри билан тарих, она тили ва адабиёт, экология, биология, инглиз тили, физика, математика каби фан тўгараклари ташкил этгани, тикувчилик, пазандачилик, тўқувчилик ва рақс санъатининг сир-асрорларини шогирдларига ўргатаётгани таҳсинга лойиқ. Айниқса, "Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари" республика кўрик-танлови ғолиби Ўғилой Абдураззоқованинг ташаббуси билан ташкил этилган "Ёш сайёҳ" тўгараги ёшларнинг туризм соҳасидаги билимларини ошириш асносида уларнинг бу соҳада янги инновацион ғоялар яратишига ҳам кўмак бериб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бепул ўқув курслари, айниқса, ёзги таътил вақтида ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтишида алоҳида ўрин тутади.

ЎзМТДПнинг ушбу амалий лойиҳаси ёш авлодни касб-ҳунарли, ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ушбу лойиҳа доирасидаги амалий ишларни янада кўпайтириш, самарадорлигини ошириш лозим.

Маъмуржон ЭРГАШЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

"ҚАЧОНГАЧА КЎКДАН ЧАЛПАК КУТАДИРСАН?.."



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Спорт залининг поли бўёқ кўрмаганига анча бўлган, унинг ёнидаги "душхона" деб аталувчи ювиниш хоналари ҳам таъмирга муҳтож. Душнинг ўзи эса умуман ишламайди. Мактабнинг умумий ҳолати билан танишаётган пайтимиз хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Худойберган Худойберганов келиб қолди. Унга мақсадимизни тушунтирдик. "Фаоллар зали қулфланган экан, унинг калити йўқми, бир кўрмоқчи эдик," деганимизда у бизни мактабнинг орқа тарафидан кириладиган эшик томон бошлади. Бу бизга шаҳар жойлардаги "кўргазмага айланган" олд эшик қолиб, орқа эшикдан кириб-чиқиладиган баъзи ташкилотларни эслатиб юборди. Шундай ўй-хаёллар билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган залнинг афтодаҳол ҳолатига ҳам гувоҳ бўлдик. Ёмғир пайти чакка ўтавериб, деворнинг арматуралари ҳам кўриниб қолган, юқоридан пастга қараб емирилиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, бино авария ҳолатида.

— Фаоллар залининг аҳволи ҳақида бир неча бор туман халқ таълими бўлими ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат юборганмиз, — дейди Худойберган Худойберганов. — Афсуски, бу мурожаатларнинг бари жавобсиз қоляпти. Маҳалла ва мактаб тадбирлари спорт зали ёки фойеда ўтказилади. Етти-саккиз йилдан буён шу аҳвол...

Мактабнинг умумий ҳудуди — 2,26 гектар. Ободонлаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Таълим масканининг катта йўл томондан кириб келиш дарвозаси бугунги кун нафасидан анчайин йироқ: унда на ёзув бор, на белги. Ичкарига кирганингиздан кейингина баъзи бир белгилар орқали бу жой мактаб эканлигини билиб олиш мумкин.

Ўнқир-чўнқир, чанг йўл бўйлаб юришда давом этамиз. Қишлоқ марказига етиб келганимизда собиқ Иттифоқ даврига тушиб қолгандай ҳис қилдик ўзимизни. Агар ўша даврлар ҳаёти акс этган бирор бадиий, ҳужжатли фильм олиш ниятида юрган режиссёрлар бўлса, бемалол шу ерга келаверса бўларкан, деган ўй ўтди хаёлимиздан. Рост-да, ортиқча харажат қилиб, саҳналарга павильон учун пул сарфлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Ўтган йили таъмирдан чиқарилган 10-мактабгача таълим муассасаси, тадбиркорлар қурган бир-икки савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини айтмаганда, биронта янгилик йўқ ҳисоби. Эски омбор бинолари, улар ўраб олинган деворлар қўлингни теккизсанг, қулаб тушгудек аҳволда. Савол туғилади: нима, уларни бузиб ташлаш учун "Обод қишлоқ" дастурининг мазкур ҳудудга ҳам жорий этилишини кутиш шартми? Умрини ўтаб бўлган бинолар майдонини тадбиркорларга ажратиб берса, улар йўқ дейдими?...

Қишлоқ марказида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини биносида котибни учратдик. У бизга маҳалла ҳақидаги маълумотларни берди.

— Маҳалламиздаги етти юзга яқин хонадонда тўрт ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини котиби Бунёд Отажонов. — Ҳудудда биттадан мактаб, мактабгача таълим муассасаси, оилавий поликлиника, дорихона мавжуд. Тўғрисини айтиш керак, қишлоғимизнинг ривожланиши бугунги кун талаби даражасидан анча орқада. Катта бир қишлоқнинг ўзида атиги биргина мактабгача таълим муассасаси борлиги ижтимоий аҳволнинг қай даражада эканлигидан дарак беради. Унда кўпи билан тўқсон бола тарбияланиши мумкин. Қолганлари-чи? Афсуски, улар ҳеч қаерга бормайди. Шунинг учун ҳар бир маҳаллага яна биттадан мактабгача таълим маскани қурилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фуқаролар йиғини котиби билан суҳбатлашиб ўтирганимизда хонага бир отахон кириб келди. Танишдик: меҳнат фахрийси Йўлдош Собиров экан. Отахон мақсадимизни англаб етгач, "дил дафтаримни ковлама", деганларидек, йўл масаласидан сўз бошлади.

— Қишлоғимизнинг асосий йўли охирги марта 1994-95 йилларда таъмирланган эди, шунгаям йигирма уч йил бўлибди, — деди Йўлдош ота. — Агар қишда ёки баҳорда ёғингарчилик мўл бўлса борми, пиёда тугул уловда юриш ҳам мушкул бўлиб қолади. Ёзда эса чангдан кўз очолмайсан. Йўли ободнинг кўнгли обод, дейишади. Агар шу йўлимиз таъмирланиб берилса, қишлоқдошларимиз уялганидан ҳам йўллар атрофини янада чиройли қилиб қўйиш, кўчатлар, гуллар экишга ҳаракат қиларди. "Обод қишлоқ" дастури бўйича амалга оширилаётган ишларни телевизорда кўриб биз ҳам ҳавасда ўтирибмиз. Неча йиллик орзуларимиз қачон рўёбга чиқар экан, деган ўй-хаёллар бизни бир дам бўлса-да, тарк этмайди.

Қишлоқдаги яна бир муаммо — аҳолига етказиб бериладиган маиший газ баллонлари билан боғлиқ. Олиб кетилган баллонлар бир ой деганда ҳам газ билан тўлдирилиб келинмас экан.

— Бир ой олдин юзта маиший газ баллонларни тўлдиришга бериб юборган эдик, ҳалигача етиб келмади, қаерда қолиб кетди, ҳайронмиз, — дейди "Боғзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қадамбой Хўжақов. — Бу борада мутасадди раҳбарларга бир неча марта мурожаат қилганмиз, аммо натижа бўлмади. Шундай жазирамада ўчоқда овқат пиширишнинг ўзи бўладими?

"Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг шундоқ ёнгинасида 1992 йилда қурилган 4-оилавий поликлиника жойлашган. Унинг фаолияти билан танишиш мақсадида бинога кирамиз. Кираверишда ижтимоий дорихона ташкил этилгани кўнглимизга бироз таскин беради. Поликлиника одамлар, айниқса, болали аёллар билан гавжум. Ҳар бир эшик олдида саккиз-ўн киши навбат кутиб турибди. Поликлиника мудири Ойбек Жуманиёзов ушбу муассасада 44 ходим ишлаши, аммо умумий амалиёт шифокори, стоматолог, гинеколог каби мутахассисларга эҳтиёж борлиги, бинонинг иккинчи қавати умуман яроқсиз ҳолга келиб қолгани, хоналарни қишда кўмир билан иситишнинг имкони йўқлиги, фуқаролар совуқдан азият чекишини билдирди. Шунингдек, бинонинг авария ҳолатидаги иккинчи қавати таъмирланса, кундузги стационар учун ҳам қўшимча хоналар ташкил этилган, беморларга қулайроқ шароит яратилган бўлар эди. Бунинг учун 2020 йилни кутиб ўтириш шартмикан? (Айтилишича, поликлиника биноси 2020 йилги Дастурга киритилган экан). Қолаверса, шифо масканида тоза ичимлик суви ҳам йўқ.

Ушбу қишлоқ маҳаллаларининг ижтимоий инфратузилмаси эски қолипда қолиб кетган. Бу, албатта, фуқароларнинг ҳам дунёқараши, эртанги кунга бўлган ишончига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Пиёдалар йўлакчалари, болалар майдончалари, спорт мажмуалари-ю хиёбонлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энди мана шундай муҳитда вояга етаётган фарзандлар, эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар бўш вақтида нима билан машғул бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-чи?!

Тўғри, "Обод қишлоқ" дастури бўйича маҳаллалар инфратузилмаси, қиёфаси босқичма-босқич яхшиланиб борилмоқда, уларда ҳам замон нафаси уфурмоқда. Аммо ҳақли бир савол туғилади: хўш, дастурга кирмаган ҳудудлар-чи? У ерларда яшаётган одамлар нима қилсин? Дастурга киритилмаганми, демак, унинг аҳволи дастурдаги қишлоққа нисбатан яхшироқ. Шундай экан, ҳар бир фуқаро — кекса-ю ёш ўз уйи, маҳалласи ва юрти ободлиги учун жон куйдирмоғи, кўкдан чалпак кутиб ўтиравермасдан имкони даражасида ободликка ҳисса қўшмоғи керак эмасми? Бунда энг биринчи ўринда мутасадди ташкилотлар, сектор раҳбарлари жонбозлик кўрсатмоғи, одамларга илҳом бахш этмоғи зарур. Агар улар аҳолига ўрнак бўлса, одамлар ҳам ўз-ўзидан эргашади. Шундагина ҳаракатларимиз самараси кўзга ташланади, шундагина қишлоғу шаҳарлар обод бўлиб, юзимизу кўнглимиз ёруғ бўлади.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фотоайбнома

БУНЧА ҲАМ "ГЎЗАЛСИЗ", ҚАЙДИН КЎЧАЛАР...

Пойтахтимиз маҳаллалари ҳудудида тозаликни таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, дам олиш майдончаларини ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳудудларни тоза-озода қилиш, маҳаллалар ободлигини сақлашда фуқароларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар ўтказилаётир. Бироқ...









Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани Чўпонота кўчасидаги айни ҳолат, яъни автомобиль серқатнов бўлган кўча юзида дарахт шох-шаббалари синиб, ёнидаги чиқинди қутиларининг ҳам тўлиб-тошиб, атрофни "безаб туриши" дилингизни хира қилиши табиий. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: дарахт шох-шаббалари мутасаддилар кўрсатмаси билан кесилиб, сўнг йиғиштирилмаганми ёки бу кучли шамол оқибатими? Яна бир оғриқли томони, унинг ёнида бекат жойлашган. Аёнки, у ерда йўловчилар ўз манзилига элтадиган транспортни кутиб туриши табиий ва бекатга шаҳарнинг турли томонларига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти шу жойда тўхтайди. Энг ажабланарли ҳолат, пойтахтнинг умумий манзарасига ярашмайдиган — атрофга сочилиб, ер бағирлаб ётган шох-шабба автобус, маршрут ва енгил автомобиллар қатновига ҳалақит бераётгани, атрофда ёйилиб ётган чиқиндилар тегишли мутасаддилар эътиборини жалб этмаётган экан, ушбу ҳудуд маҳалла вакиллари, фаоллар, фуқаролар ўзлари истиқомат қилаётган гўша ободлигига, сариталигига бефарқлигининг боиси не?! Бу саволга жавоб тез кунларда топилади, деб умид қиламиз...

Сардор МУЛЛАЖОНОВ (фото),
Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Кашф қилинмаган гўшалар

ИЛДИЗЛАРГА ҚУВВАТ КЕРАК

ЁХУД САМАРҚАНДДА ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАН ЁДГОРЛИКЛАРГА МУТАСАДДИЛАР ҚАЧОН ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ?

Юртимиз ўзининг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари, азиз-авлиёлар мангу қўним топган мақбаралари билан машҳур. Зеро, улуғ зотлар қайси гўшада яшашни ихтиёр этса, ўша жойда маънавий-руҳий покланиш рўй бериши билан бирга, боғу роғлар, соя-салқин оромгоҳлар бунёд этилган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги "Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги қарори муқаддас масканларни сақлаш ва қадрлаш, халқимиз онгида аждодлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш билан бирга, ҳар бир қадамжо ва зиёратгоҳни ободонлаштириш, янада файзли, тароватли гўшага айлантириш, бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Самарқанд узоқ ўтмиши давомида кўп воқеаларга гувоҳ бўлган, тараққиёт ва таназзулни бошдан кечирган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар кўп учрайди. Самарқандннинг ҳар қарич ерида, тарихдан мерос бўлиб келаётган қадимий обидалар, иншоотларда ҳам ўтмиш изларини кўриш мумкин. Улар киши кўнглига гоҳ маҳзунлик солиб, ўйга толдирса, гоҳ ғурур-ифтихор уйғотиб, буюк аждодларга муносиб бўлишга, уларнинг анъаналарини давом эттиришга даъват этади.

Ҳаёт ҳақиқати шуки, истилочилар ҳамиша бир миллатни батамом қул қилиб олмоқчи бўлса, аввало, уни ўз маънавиятидан, илдизидан жудо қилишга уринган. Ана шундай ёвузлик оқибатида ер юзидан не-не маданиятлар супириб ташланмади, не-не шаҳарлар йўқолиб кетмади, дейсиз.

Биргина мисол: мўғуллар истилосидан сўнг Афросиёб култепага айланди. Бир замонлар гуллаб-яшнаган шаҳар харобага эврилди. Албатта, таназзулнинг ортидан тараққиёт бўй кўрсатиши айни ҳақиқат. Шундай бўлди ҳам. Соҳибқирон Амир Темур даврида юрт обод этилди, маънавият-маърифат чуқур илдиз отди, мамлакат дунё тамаддуни марказига айланди. Исломий, дунёвий фанлар мисли кўрилмаган даражада юксалди. Энг улкан иморатлар ҳам ана шу даврда қад ростлади.

Айтиш мумкинки, жаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган мамлакатимиз ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд обидаларнинг катта қисми айни шу даврда барпо этилган. Иморатсозлик, муҳташам бинолар қуриш халқ иродасини ифода этувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жаҳонгир Амир Темур "кимки қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга боқсин", деган эди.

Мустақиллик йилларида бу қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандннинг бой тарихи, маданиятини ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш, тарихий обидалар ва муқаддас зиёратгоҳларни асраб-авайлаш ва обод қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шу бунёдкорлик ишлари туфайли, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Бибихоним масжиди, Регистон ансамбли ва унинг атрофи обод этилиб, улуғворлигига мос кўркамлик касб этди. Асрлар давомида нафақат номи, ҳатто дафн этилган жойи ҳам тилга олинмаган буюк аждодимиз Имом Мотуридий қабри ўрнида улкан мақбара бунёд этилиб, муқаддас қадамжо обод қилинди, Ҳазрати Хизр мажмуаси замонавий қиёфа касб этди.

Тарихий обидалар, катта ё кичиклигидан қатъи назар, қадрланиши, эҳтиёткорлик билан сақланиши, келгуси авлодларга етказилиши керак. Аммо маънавиятимизнинг дурдоналаридан ҳисобланадиган ёдгорликларнинг айримлари кўпчиликнинг эътиборидан четда қолиб келаётгани сир эмас. Бундай масканлар тарихий шаҳарларда ҳам, тоғлар бағрида ёхуд чўл ҳудудларимизда ҳам учраши мумкин.

Зиёратгоҳлар ўз тарихи, асосли манбаларга оидлиги билан қадрлидир. Самарқанд шаҳридаги энг қадимги маҳаллалардан бири Дари занжирнинг пайдо бўлиш тарихи IX асрга бориб тақалади. XVI-XVII асрларда "Ҳаётхоннинг ҳовлиси" номи билан юритилган бу маҳалла аҳолиси хотин-қизларни бегона нигоҳлардан сақлаш мақсадида эшикларни занжирлашни одат қилгани учун маҳалла "Дари занжир", яни "Занжирланган эшик" номи билан атаган. Абу Тоҳир Хожанинг "Самария" китобида ёзилишича, Дари занжирда мадраса, масжид, ҳовуз атрофида чинорлар, темурийлар салтанати даврида қурилган бинолар бўлган. "Қандия" китобида айтилганидек, нуфузи жиҳатидан Маккадаги "Муалла", Мадинадаги "Баҳия" қабристонларидан кейин учинчи ўринда турувчи "Чокардиза" қабристони ҳам шу ерда жойлашган. Абу Мансур Мотуридий, Имом Бурҳониддин Марғиноний, Абулайс Самарқандий, Абулқосим Самарқандий, Жалолиддин Файзуллоҳ Самарқандий, Маҳдуми Хоразмий сингари кўплаб буюк зотлар шу ерда дафн этилган. Шу ўринда Шайх Аҳмаджон Маҳдум Ҳанафий Нақшбандийнинг "Қаердаки, бир авлиёнинг қабри бўлса, Аллоҳ таоло унинг ҳурматидан ўша жойга баракот беради", деган муборак каломи ёдга тушади.

— Киндик қони томган тупроқ ҳар биримиз учун юксак қадрга эга, — дейди "Дари занжир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Воҳид Ражабов. — 2000 йилда маҳалламизда Мотуридий ёдгорлик мажмуаси қад ростлади, ободончилик ишлари амалга оширилди Аммо маҳалламиз идораси ёнида Амир Темур даврида қурилган бир бино айни пайтда мақбара таъмирга муҳтож ҳолатда. Бу эса тегишли мутасаддилар ва сектор раҳбарлари эътиборидан четда қолаётганини англатади. Вақт ва табиий таъсирлар оқибатида бино девори ёрилган, бир томони чўка бошлаган. Агар у тезроқ ҳимояга олинмаса, таъмирланмаса, бой берилиши тайин. Тарихий аҳамиятга эга бу маҳалланинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи бундай ёдгорликни сақлаб қола олмасак, катта йўқотишга йўл қўйган бўламиз. Ушбу масалада тегишли мутасаддиларга бир неча маротаба мурожаат қилдик. Аммо натижа бўлмади...

Ўз тарихи ва ўтмишига эга, аммо эътибордан четда қолиб, емирилиб бораётган бундай тарихий бинолар, вилоятда афсуски, кам эмас.

Масалан, Оқдарё туманидаги ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедий мангу қўним топган Даҳбедда ва унинг атрофидаги қишлоқларда ўнлаб масжидлар бўлган. Яқинда Даҳбедда бўлганимизда яна бир аянчли ҳолатга гувоҳ бўлдик. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий зиёратгоҳи билан ёнма-ён, Даҳбед пахта қабул қилиш манзилгоҳи рўпарасидаги масжид йўқ бўлиб кетиш ҳолатида. Қуёш, қор, ёмғир ва бошқа ташқи таъсирлар остида ҳимояга олинмаган деворлар, пештоқлар йилдан-йилга емирилмоқда.

Президентимиз вилоятларга сафарлари чоғида ҳар бир ҳудуднинг тарихини ўрганишга, маънавий меросини тиклашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Муборак қадамжоларни зиёрат қилиб, уларни обод қилиш бўйича кўрсатмалар бермоқда. Мадомики шундай экан, мамлакатимизда миллий маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар ва осори-атиқаларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш, ёшлар тарбиясида уларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятидан самарали фойдаланиш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар доирасида узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолган — XVI асрда бунёд этилган ушбу масжидни ҳам юзага чиқаришга киришиш мавриди келмадимикин?

Бу каби ёдгорликларга ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос сифатида ҳар биримиз зийрак ва ҳушёр муносабатда бўлишимиз лозим. Афсуски, шонли тарихимиздан садо берувчи бундай масканларнинг айни ҳолатини кўриб, бунга бевосита маъсул мутасаддилар қаёққа қараяпти экан, деган савол пайдо бўлиши табиий. Ахир бу обидалар ер қаърида ёки тупроқ қатида эмас, шундоқ кўз ўнгимизда ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, унинг тарихини ўрганиш, обидани асл ҳолича сақлаш негадир ҳеч бир ташкилотнинг, тегишли масъулларнинг ёдига келмаётгани ачинарлидир...

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тарих ва бугун

ШОҲИЗИНДА — ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ ДУРДОНАСИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мустақиллик туфайли Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Бибихоним, Хўжа Аҳрори Валий, Руҳобод мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ва бошқа обидаларнинг обод этилиши ҳам халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, буюк аждодларимиз номини улуғлаш, тарихни ўрганиш ва миллий ўзликни англашда муҳим омил бўлганини таъкидлаш лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан икки йил давомида мажмуа тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу жараёнда мажмуанинг жанубий-шарқий қисмида XV асрга оид ҳаммом пойдевори топилди. (Ҳозирги кунда ҳаммом консервация қилинган). Қадимий ҳаммомнинг топилиши мажмуага киришдан олдин зиёратчилар покланиб олишидан ва бу манзил-макон қанчалик муқаддас эканлигидан далолат беради.

Қайта тиклаш жараёнида мажмуада мавжуд бўлган деворий ва пештоқ безаклари ҳам тикланди. Қуръон оятлари арабий ҳуснихатлар, ҳадислар ва улуғ алломаларимиз ҳикматлари битилган битиклар топилди. Мажмуанинг шимолий томонида қорахонийлар сулоласига мансуб мақбара пойдеворлари ҳам қайтадан таъмирланди.

— Шоҳи Зинда номи пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ, — дейди мажмуа илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов. — Хонақоҳ пештоқига "Қусам ибн Аббос ўз хулқлари ва ташқи кўринишлари билан менга ўхшайдиган шахслардандир" деган ҳадиси шариф ёзилган. Қусам имом Ҳасан билан ака-укадир.

Маълумотларга қараганда, Қусам ибн Аббос Али ибн Абу Толиб ҳалифалиги даврида Макка шаҳри ҳокими бўлган. Саркарда Усмон ибн Сайид билан Мовароуннаҳрга келади. Унинг асосий вазифаси исломни Сўғд диёрида тарғиб қилиш эди. Бу эса осонликча кечмади. Милодий 677 йили Самарқанд шаҳри намозгоҳида у шаҳид бўлади. (Кенг тарқалган бошқа бир ривоятда Қусам ибн Аббос Уструшонани фатҳ этиш учун бўлган жангларнинг бирида шаҳид бўлгани айтилади).

Дарҳақиқат, Шоҳи Зинда билан боғлиқ тарих ва афсона шу қадар кўпки, улар бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Қусам ибн Аббос қабри кираверишда мажмуанинг охирида жойлашган. У ерга киришда 1404-1405 йилларда эронлик уста Саид Юсуф Шерозий ясаган нақшинкор эшик ўрнатилган. Эшикка фил суягига чиройли ҳуснихатда ҳадислар битилган.

Эшик ортида XI асрда ишланган нақшинкор минора қад ростлаб турибди. Миёнхона сайёҳ ва зиёратчиларни ўзига хос услубда қурилган хоналарга бошлайди. Булар — катта масжид, чиллахона, зиёратхона ҳамда туғхонадан иборат. Уларнинг ҳар бирини ўзига хос зиёрат қилиш одоби бор.

Мажмуада Қусам ибн Аббоснинг қабри бўлиб, унга Амир Темур давридаги нақшинкор сопол кошинлар билан безак берилган. Қабр устида "ҳижрийда 57, милодийда 676 йил" деган ёзув бор. Мажмуанинг барча хонасига моҳир усталар томонидан бетакрор нақш ва безаклар билан ишлов берилган.

— Шоҳи Зинда мажмуасида дастлабки мақбаралар XI аср охирида пайдо бўлган, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археологик тадқиқотлар институти директори Амриддин Бердимуродов. — Қусам ибн Аббос мақбараси шулардан биридир. Унинг ёнида нақшлар солиб безатилган масжид бўлган. 1219 йил мўғуллар истилосидан кейин Афросиёбда ҳаёт деярли сўнган. Дастлабки мақбаралар емирила бошланган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида унинг яқин қариндошлари ҳамда саркардалари Қусам ибн Аббос қабри атрофида ўзлари учун мақбаралар қурдирган.

Бизгача етиб келган мақбаралар мажмуаси ва дастлабки бинолар қолдиқларини кўздан кечирганда уларга пардоз бериш ва безаш техникаси вақт ўтган сайин ўзгариб борганини кузатиш мумкин. Мирзо Улуғбек ўзининг норасида ўғли номидан ҳижрий 838 (1434-1435) йилда қурдирган чортоқли дарвоза пештоқи ансамбл шаклланишини ниҳоясига етказган иншоот бўлди. Чортоқнинг ўнг томонида кичкина ҳовли ичида мадраса бор. Уни ҳижрий 1228 (1812-1813) йилда ҳоким Давлат Қушбеги қурдирган. Чап томонда эса Амир Ҳусайннинг онаси шарафига қурилган ёзги айвон ўрин олган. Уни самарқандлик усталар Муҳаммад Сиддиқ ва Абду Зоҳид қурган. Бу ёдгорлик XIX-XX аср усталарининг диди ва бадиий маҳоратидан дарак беради. Масжид орқасидаги чап тепалик ёнбағрида қўш хонали баланд мовий Қушгумбазли мақбара (XV аср ўртаси) Шоҳи Зинда мажмуаси темурийлар даври меъморчилигининг ажойиб намунаси сифатида қадрланади. Икки тўртбурчак катта хона (зиёратхона) ва кичик хона (қабристон) бир-бири билан боғланган. Қабристонда битта қабртош, унинг остида даҳма бор. Тўрт гумбаз чортоқни юзага келтиради. Деворлардаги нақшлар қисман сақланиб қолган.

Шоҳи Зинда зиёратгоҳининг иккинчи қисми қирқ зинадан бошланиб, сир ҳамда жумбоқларга тўла ўрта аср даҳлизига кириб боради. Бу ерда бутунлай ўзгача давр ва меъморчилик ечимлари мавжуд.

Номдор саркардалардан Амир Ҳусайн ва унинг онаси учун қурилган обидага меъморчиликнинг энг нозик услублари танланган. Амир Темур уларга алоҳида эҳтиром кўрсатиб маҳобатли бинолар қурдирган ва шу ерга дафн эттирган. 1376 йилда қурилган мақбарадаги файз ва фусункорлик хаттотларнинг ёзувлари билан янада гўзаллашган.

1386 йилда қурилган Амирзода номи билан машҳур тарихий обида ўзида халқ усталари санъатини яна бир карра яққол намоён этган. Чунки унда миллий кошинкорликнинг барча тури кенг қўлланган. Мақбара ичида саркарда Амирзодага тегишли етти киши дафн этилган. Мутахассислар ушбу обидани Амир Темур даврининг энг ҳусншкор биноларидан бир сифатида таърифлашади.

Шунингдек, Соҳиқирон Амир Темурнинг жияни Шодимулк оқо мақбараси меъморчиликнинг тожи сифатида баҳоланади. У 1371-1372 йиллар мобайнида 11 ёшида вафот этган Шодимулк оқога атаб қурилган. Туркон оқо қизи дафн этилган жойга қурилаётган мақбарани шахсан ўзи назоратга олади ва бетакрор бўлишини истайди. (Туркон оқо 1382 йили вафот этгач қизи ёнига дафн этилган). Ёдгорлик учун ўймакорлик ва сирланган сопол кошинларнинг энг юқори намуналари танланган. Бинонинг ички ва ташқи безаклари бир-бирини такрорламайди. Шунинг учун ҳам у Шоҳи Зинда мажмуасининг энг гўзал гулдастаси ҳисобланади.



Амир Темур XV асрнинг иккинчи ярмида синглиси Ширинбекага атаб катта мақбара қурдиради. Унда кошинкорликнинг қирқма усулидан фойдаланилган. Бинонинг ички безаклари ўзига хос услубда, деворий нақшларда зарҳалли ўсимликсимон қилиб ишланган. Арабий ҳуснихатда Қуръоннинг "Фатҳ" сураси ички хона гумбазидан пастки қисмига қадар тўла ҳолатича тикланади. Ёзувлар юпқа шаклдаги тилла безаклар билан зийнатланган.

Амир Темур одатда, кўп йиллик ҳарбий юришлар жараёнида ўзга мамлакатлар тарихи ва маданиятининг энг ноёб жиҳатларидан фойдаланиш, тажрибасини қўллашни афзал билган. Шу боис ҳам унинг даврида қурилган иншоотларда турли миллат меъморчилиги ва санъати намуналарини учратиш мумкин.

Гумбазининг ички безаклари мусаффо осмон жисмлари рамзини ифодаловчи саккиз томони очиқ мақбарадаги хилхонада аслзода маликалар дафн этилган. Таъмирлаш давомида унинг гумбаз қисми қайта тикланиб, очиқ равоқлари тепасига ҳадислардан намуналар битилган.

Уста Али Насафий томонидан XIV асрнинг 60-70 йилларида қурилган мақбара мажмуанинг энг кўп услуб қўлланилган ёдгорликларидан бири. Бу ерда дафн этилган шахснинг номи аниқ бўлмагани учун ҳам у "Номсиз мақбара" деб аталади.

"2-Номаълум" номи билан машҳур мақбара қолдиғи XI асрнинг иккинчи ярмида фаолиятда бўлган Тамғач Буғрохон мадрасаси пойдевори устида қурилган. Ундаги деворий нақшлар зарҳалланган. Баъзи манбаларда ёдгорлик Улуғ Султонбеги номи билан аталган. Бино пештоқидаги хаттотлик санъатининг энг гўзал намуналари мақбара ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

— Мажмуанинг ўрта қисмида олиб борилган археологик қазишмалар кўплаб қадимий иншоотларнинг пойдевор ҳамда хилхоналарини топишга имкон берди, — дейди тарих фанлари номзоди Комилжон Раҳимов. — Бу эса, ўз навбатида, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини янада бойитди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг содиқ ва жасоратли саркардаларидан бири Амир Бурундуқ кўплаб зафарли ҳарбий юришларда ўз ҳиссасини қўшгани билан тарихда қолган. Шу боис Амир Бурундуқ мақбараси ўз маҳобати билан мажмуада алоҳида ўрин тутади. Унинг жасади яқинлари билан бино хилхонасида арча тобутда мўмиёланган ҳолатда дафн этилган.

Шоҳи Зинда мажмуасининг шимолий қисмида яна бир гуруҳ мақбаралар туркуми мавжуд. Улар қаторидан Хўжа Аҳмад, Туман оқо ва Қутлуғ оқа мақбаралари ўрин олган.

Шоҳи Зинда ёдгорлигининг энг диққатга сазовор жиҳати — бу унинг ёзувлари. Ушбу матнларни ўрганиш, тадқиқ қилиш борасида олимлар, матншунослар катта меҳнат сарфладилар. Жумладан, тарих фанлари доктори Б.Бобожонов, Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси раҳбари У.Рустамов 2015 йилда "Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси битиклари (матнлар, таржималар)" рисоласини чоп эттирди. Унда таъкидланишича, араб ҳарфларининг ўзига хос хусусияти унинг эгилувчанлиги ва нақшинкорлигидир. Бунинг ҳисобига улар бир вақтнинг ўзида ҳам нақш, ҳам ёзув вазифасини бажарган.

Кўп обидаларда қурилиш санаси, буюртмачи ёки дафн қилинган инсон ҳақида маълумотлар ифодаланган матнлар мавжуд. Масалан, Қусам ибн Аббос мақбарасига битилган марсия мажмуанинг ноёб ёзувларидан саналади. Матн "оқ шеър", яъни қофиялаштирилган наср услубида ёзилган. Мажмуа ёдгорликларидаги матнлар юз йилдан зиёд вақт мобайнида ўрганилиб келинмоқда.

— Мажмуада ички туризмни янада ривожлантириш, зиёратчилар оқимини кўпайтириш мақсадида улар учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди мажмуа илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов. — Жумладан, мажмуа атрофида автоуловлар тўхташ ва сақлаш жойлари кенгайтирилди. Зиёратчилар, хорижлик меҳмонлар ҳаракатланадиган йўлаклар тартибга келтирилди. Ёши улуғ ёки ногиронлиги бор инсонлар учун аравачалар хизмати йўлга қўйилди. Зиналардан юқорига кўтарилиш учун махсус таянч-ушлагичлар, зиёратчилар дам олиб ҳордиқ чиқарадиган ўриндиқлар ўрнатилди.

Шунингдек, мажмуада ёшларни аждодларимиз меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида кутубхона ташкил этилди. Бу ерда диний ва дунёвий китоблар ўрин олган. Мажмуада гид-таржимонлар хизмати яхшиланди, намозхон зиёратчилар учун махсус хоналар ташкил этилди. Зиёратчилар ва чет эллик сайёҳлар талабига кўра, мажмуа ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун барча имконият яратилган...

Хулоса ўрнида айтганда, азалдан одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг заминида мангу ором топган азиз-авлиёлар, буюк инсонлар хоки пойини зиёрат қилишни орзу қилишган. Буни ўзлари учун шараф, деб билган. Шу боис ҳам маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар уларни нафақат келажак авлодларга безавол етказиш, балки халқимизнинг инсоният цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш масаласига йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Таҳлил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази "Сирдарё вилоятида оилаларни мустаҳкамлаш, ажрашишлар ҳолати бўйича тадқиқот ва таҳлил натижалари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этди.

ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Тадбирда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Дилором Тошмуҳамедова мамлакатимизда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, оиладаги ажрашишларнинг туб сабабларини ўрганиш, бу масалаларнинг ижобий ечимини топиш мақсадида ҳудудларда илмий-амалий тадқиқот ишлари изчил амалга ошириб келинаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида вилоятда никоҳдан ажрашиш кўрсаткичлари даражасининг ўсиши сабабларини аниқлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғи берилган эди.

Тадбирда Сирдарё вилоятида олиб борилган тадқиқотнинг якуний натижалари, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Марказнинг етакчи олимлари, ҳуқуқшунослар, социологлар, психологлар, бошқа турли соҳалар экспертларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳи ташкил қилиниб, комплекс тадқиқот ишлари амалга оширилди.

2017 йилда вилоятда 1 минг 95 та никоҳдан ажрашиш қайд этилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан (908) 21 фоиз кўп. Бу кўрсаткич Ўзбекистон миқёсида ҳам энг юқори ҳисобланиб, 2012-2016 йилларда республика бўйича ажрашишлар сони ўсиши 58 фоизни ташкил қилган бўлса, Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 83 фоизга етган. Айниқса, Боёвут, Сирдарё, Ховос туманлари, Янгиер шаҳрида ажрашишлар сони юқорилигича қолмоқда. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ажрашишларга асосий сабаб — эр-хотин ўртасида бир-бирини тушуниш ва тотувликнинг йўқлиги, оиладаги доимий жанжал ва можаролардан (22,5 фоиз) иборат. Кейинги ўринларда оилада фарзанд йўқлиги (15,6 фоиз), эр-хотин оилавий муносабатлари ва уларнинг шахсий ҳаётига бошқаларнинг аралашуви ва улар ўртасидаги ўзаро можаролар (15 фоиз), сурункали ичкилик (11 фоиз) каби омиллар турибди. Моддий қийинчиликлар оқибатида юзага келадиган иқтисодий шарт-шароитлар туфайли рўй бераётган ажрашишлар 14,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Тадбирда журналистларнинг ажримларда асосан ким (эр ёки хотин) ташаббус билан чиқаётгани, аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳамда оилавий зўравонлик, ўқув масканларида "Оила қадриятлари" ўқув соатларини таълим тизимига киритиш сингари саволларига "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари ва Сирдарё вилоятининг масъул ходимлари жавоб қайтарди.

Ботиржон МАВЛОНОВ,
"Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Оилани демографик ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Ажримлар масаласи республика миқёсида ўрганилганда, кўплаб ҳудудларда бу кўрсаткич шаҳар ҳудудларида юқори бўлса, аксинча, Сирдарё вилоятида чекка қишлоқларда кўп содир этилаётгани аниқланди. Бунинг сабаблари турлича бўлиб, ёшларнинг оила қуришга тайёр эмасликлари, аксарият маҳаллаларда яраштириш комиссиялари фаолияти яхши йўлга қўйилмаганлиги, фарзанд кўрмаётган оилаларга етарли даражада тиббий ёрдам кўрсатилмаётганлиги, эр ва хотиннинг қариндошлари оилани ажратишга сабабчи бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказ ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, мазкур вилоятда никоҳни бекор қилишнинг кўпайиб бораётгани сабабларини аниқлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда амалга ошириш белгиланган. Шу ўринда вилоят ҳокимлигига шаҳар, туман шифохоналарида зарур тиббий, консультатив ёрдам бериш маркази ташкил қилиш кераклиги, чекка қишлоқларда оилаларга тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш юзасидан ўрганишларни кучайтириш зарурлиги хусусида маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Лола МУРОДОВА,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси:

— Фаолиятимиз давомида эр-хотин, қайнона, қайнота ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Ажрашишлар натижасида алимент, мулкий низолар, маъмурий жазо сингари 15 ҳолат юзасидан турли муаммолар келиб чиқиши тушунтирилмоқда. Бу эса никоҳ бузилиши масалаларини нисбатан камайтиришга, албатта, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Суҳбатларда ажрашиш учун ариза берган эр ёки хотин ажримларга учинчи шахсларнинг аралашуви, оилаларда бир томоннинг ҳуқуқи камситилиши, иккинчи томоннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги сабаб сифатида кўп таъкидланмоқда. Вилоят ҳудудлари кесимида тадқиқ этилганда, бу ҳолатга шаҳар миқёсида ота-оналар кўпроқ сабабчи сифатида кўрсатилган бўлса, айрим туманларда ажрашишларга асосан аёллар ташаббускор бўлаётганлиги аниқланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси ўтказган конференция аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оиланинг моддий таъминотида эркакнинг ўрни, оилавий можаролар сабаб келиб чиқаётган қотилликларнинг олдини олиш, тенг ҳуқуқлилик масаласи, эркак ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш, иш билан бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан амалий ишлар таҳлил қилинди. Бу ташаббуслар замирида муқаддас маскан ҳисобланмиш оилани асраш, ажрашишлар сонини камайтириш сингари эзгу мақсадлар мужассам.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар-тренинг

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ДЕМОКРАТИЯ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилишни, шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қилган эди. Чунки шунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмагани нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бераётган эди.

2018 йилнинг 12 апрелида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тўлақонли халқ ҳокимияти шаклланишига тўсқинлик қилаётган ана шу тўсиқ ва камчиликларни бартараф этиб, давлат органларининг самарали фаолият олиб бориши устидан фуқаролар ёки фуқаролик институтлари назорат олиб боришига катта имконият яратди.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасида уни ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтиришни таъминлаш зарурлиги белгиланган. Ушбу тарғиботни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш бўйича давлат органларининг биринчи навбатдаги асосий вазифалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди. Унда маҳаллий ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, қонуннинг мақсади — давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш муносабатларини тартибга солишдан иборат. Бу жараёнда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари субъект, давлат органлари, хусусан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти объект сифатида иштирок этади. Жамоатчилик назоратини олиб боришда фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати камситилиши, шахсий ҳаётига аралашиш каби ҳолатларга йўқ қўйилмайди. Шунингдек, қонун билан чекланган ахборотлар махфий тутилиши шарт. Қабул қилинган қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдек конституциявий ҳуқуқини мустаҳкамлаб, ўзига хос механизм яратди.

— Қабул қилинган қонун давлат органлари ва идораларининг фаолияти янада самарали, шаффоф ва очиқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Зикрилло Маҳмудов. — Бугунги семинар-тренинг ҳам айнан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига тўлиқроқ етказиш, шунингдек, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини олиб бориш жараёнидаги ҳуқуқ ва бурчларини чуқурроқ англашига кўмаклашишдан иборат.

Семинар-тренингда давлат органларининг бу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоатчилик назорати шакллари ва уни олиб бориш усуллари, назорат ўтказишнинг афзалликлари, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назорати ўрнатилишидаги роли, жамотчилик фикрини ўрганиш каби мавзуларда фикр-мулоҳазалар билдирилди. Интерфаол тарзда ўтган тадбирда соҳа мутахассислари иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Беллашув

Мамлакатимизда жисмоний тарбия, хусусан, миллионлар ўйини бўлмиш футболга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, жойларда ташкилот ва идоралар вакиллари ҳам ишдан бўш вақтларида яшил майдонларда куч синашиш имконига эга бўлмоқда.

ЎзМТДП ЖАМОАСИ — ЧЕМПИОН!



30 июнь — Ёшлар кунига бағишлаб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамкорлигида Ассоциация кубоги учун мини-футбол бўйича турнир ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, ЎзМТДП Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари жамоалари иштирок этди.

Мусобақани бошқариш учун ЎФАнинг тажрибали ёш ҳакамлари жалб қилинди.

— Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой мусобақалар иштирокчиларга ҳақиқий байрам шукуҳини бағишлади, — дейди ЎФА футболни ривожлантириш бошқармаси мусобақаларни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси Ойбек Икромов. — Кўп жамоа вакиллари айни пайтда Россияда давом этаётган жаҳон чемпионатида иштирок этаётган машҳур ўйинчидек майдонга шиддат билан тушди. Бу каби мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш лозим. Чунки бу жамоат ташкилотлари вакилларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, соғлиғини мустаҳкамлашга, чиниқишга ёрдам беради.

Қизиқарли ва кўтаринки кайфиятда ўтган баҳслар уч кун давом этди — жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Якуний босқичда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони ва ЎзМТДП Марказий кенгаши жамоалари майдонга тушди. Финал ўйинида партия жамоаси 5:1 ҳисобида ғолиб бўлди. ЎзМТДП вакиллари нафақат сиёсатда, балки спортда ҳам ўз фаоллигини кўрсатди. Ғолиб жамоаларга Ўзбекистон футбол ассоциациясининг кубоги ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ахборот хизмати

Бизнинг шарх

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, ҚУЙИ ПАЛАТАДА 545, ЮҚОРИ ПАЛАТАДА 250 ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Жанубий Осиёда жойлашган Ҳиндистон Республикаси ҳудуди шимолдан жанубга 3 минг 214 километр, ғарбдан шарққа 2 минг 933 километрга чўзилган. Шимолда Ҳимолай тоғлари, Ғарбда Арабистон денгизи, Шарқда Бенгалия қўлтиғи билан ўралган. Майдони — 3,3 миллион квадрат километр, аҳолиси 1,3 миллиард киши. Пойтахти — Деҳли шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 28 штат ва 7 иттифоқ ҳудудга бўлинади.



Ҳиндистон — Федератив республика. Амалдаги Конституцияси 1950 йил 26 январда қабул қилинган, унга кейинчалик ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи — Президент. У парламентнинг икки палатаси ва штатларнинг қонун чиқарувчи органлари аъзоларидан иборат сайловчилар ҳайъати томонидан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Президент ва икки палата — Лог сабҳа (Халқ палатаси) ҳамда Ражья сабҳа (Штатлар кенгаши)дан иборат парламент, ижроия ҳокимиятни Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Ҳиндистон 1945 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси. 1991 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини тан олган ва 1992 йилнинг 18 мартдан дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Миллий байрамлари: 26 январь — Республика куни (1950 йил) ва 15 август — Мустақиллик куни (1947 йил).

Мамлакат Конституциясида белгиланганидек, қуйи палатада мажоритар сайлов тизими асосида — умумий, яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадиган кўпи билан 552 депутат фаолият юритади. Уларнинг 530 нафари штатлардан, 20 нафари иттифоқ ҳудудлардан сайланса, икки нафарини келиб чиқиши британиялик бўлган ҳиндистонликлар орасидан Президент тайинлайди. Борди-ю, мамлакатда фавқулодда вазият юз берса, уларнинг ваколат муддати яна бир йилга узайтирилиши кўзда тутилган. 25 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. Ҳиндистон Миллий конгресси партияси аъзоси Паллах Куриен 2012 йилнинг 21 августидан буён Лог сабҳа (қуйи палата) раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юқори палата билвосита федерация субъектлари — штатлар, иттифоқ ҳудудлар қонун чиқарувчи органлари аъзолари томонидан сайланади. Ражья сабҳа олти йил муддатга сайланадиган 250 аъзодан иборат. Бироқ ҳар икки йилда палата таркибининг учдан бир қисми учун сайловлар ўтказилади. Штат вакилларини уларнинг қонун чиқарувчи кенгашлари аъзолари сайлайди. Иттифоқ ҳудудлар вакиллари эса билвосита ушбу ҳудуднинг сайловчилар ҳайъати томонидан сайланади. Юқори палатанинг ўн икки нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳаси, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланади.

Ражья сабҳада штатлардан нечта аъзо сайланиши уларнинг аҳолиси сонига боғлиқ. Мисол учун, юқори палатада Уттар-Прадеш штатидан 31, Нагаленда штатидан эса 1 вакил фаолият юритади. 30 ёшга тўлган мамлакат фуқароси юқори палата аъзоси этиб сайланиши мумкин. Ҳиндистон Миллий конгресси партияси аъзоси Муппаварапу Найду 2017 йилнинг 11 августидан буён Ражья сабҳа (юқори палата)нинг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қонун лойиҳаси аввал қуйи палатада қабул қилиниб, сўнг юқори палатага юборилади. Юқори палата тасдиқлаган қонун лойиҳаси эса кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга тақдим этилади. Юқори палата қуйи палата қабул қилган қонун лойиҳасига нисбатан вето қўллаш ҳуқуқига эга. Фақат молиявий йўналишдаги қонун лойиҳалари бундан мустасно. Молиявий йўналишдаги қонун лойиҳалари фақат қуйи палата томонидан қабул қилиниб, юқори палатага тақдим этилади. Юқори палата уни 14 кун ичида кўриб чиқиши ва лойиҳа бўйича мажбурий хусусиятга эга бўлмаган таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин, холос. Қуйи палата ушбу таклиф-тавсияларни инобатга олиши ёки олмаслиги ҳам мумкин. Тавсиялар инобатга олинса-олинмаса қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Парламент мажлислари Нью-Деҳлидаги "Сансад Бхаван" биносида ўтказилади. Мазкур иншоот 1912-1913 йилларда британиялик меъморлар Эдвин Лаченс ҳамда Герберт Бейкер томонидан лойиҳалаштирилиб, 1921-1927 йилларда бунёд этилган. 2006 йилдан буён парламент биноси яқинида мамлакат қонун чиқарувчи органи фаолияти билан таништирувчи музей фаолият кўрсатади.

Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2014 йилнинг 7 апрелдан 12 майга қадар ўтказилди. Унда жами 24 сиёсий партия, сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 66,4 фоизи иштирок этди. Қуйи палатада 272 ўринни қўлга киритган партия ҳукуматни шакллантира олмаса, у ҳолда сайловда иккинчи ўринни қўлга киритган сиёсий партияга ҳам ана шундай имконият берилади. Парламент сайловида бир партиянинг мутлақ устунлиги ҳамда ҳукуматни мустақил равишда шакллантириш билан боғлиқ ҳолат сўнгги бор 1984 йилда кузатилган. Ўшанда Ҳиндистон Миллий конгресси партияси 400 дан зиёд мандатга эга бўлиб, ҳукуматни якка ҳолда шакллантиришга муваффақ бўлган.

Бу галги сайловда жами 545 депутат сайланди. Унда Миллий демократик альянс 336 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Шу альянс таркибига кирувчи "Бхаратия жаната парти" (Ҳиндистон халқ партияси) эса 283 ўринга эга бўлиб, мутлақ устунликни қайд этди ва ҳеч қандай альянссиз ҳам ҳукуматни шакллантириш имкониятига эга бўлди. Мазкур альянсга асосий рақобатчи бўлган Бирлашган прогрессив альянс атиги 59 мандатни қўлга киритиб, мағлубиятга учради. Альянснинг етакчи партияси — Ҳиндистон Миллий конгресси атиги 44 мандатга эга бўлди. Бу партия тарихидаги энг ёмон кўрсаткичдир. 2009 йилги парламент сайловида ушбу партия 206 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонган эди. Қолган сиёсий партиялар нисбатан кам овоз олди. Сайловда ғалаба қозонган "Бхаратия жаната парти" (Ҳиндистон халқ партияси) Бош вазир лавозимига Нарендра Моди номзодини илгари сурди. 2014 йилнинг 20 май куни "Бхаратия жаната парти" вакили Нарендра Моди Бош вазир этиб тайинланди.




Сайловда ғалаба қозонган "Бхаратия жаната парти" (Ҳиндистон халқ партияси) мамлакатдаги энг нуфузли партиялардан саналади. У 1980 йилнинг 6 апрелида тузилган. "Бхаратия жаната парти" ўнг консерватив йўналишдаги партия ҳисобланади ҳамда ёшларга бизнесни ривожлантиришда асосий куч сифатида қарайди. Партия сайловолди ташвиқоти пайтида Ҳиндистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, мамлакатга инвестициялар олиб кириш, янги типдаги 100 шаҳар қуриш, ўн йил ичида 250 миллион иш ўрни яратиш каби мақсад-вазифаларни илгари сурди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Рангин дунё

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ТЕАТР







Неаполь шаҳрининг дунёга машҳур Плебисцит майдони яқинида Сан-Карло театри жойлашган. У нафақат Италия, балки Европадаги энг кўҳна ва йирик театрлардан бири бўлиб, Неаполь шаҳрининг рамзига айланган. У Милан шаҳридаги Ла Скала театридан 41, Венециядаги Ла Фениче театридан эса 55 йил аввал қурилган. Мана шу далилнинг ўзи ҳам дунё операчилиги тарихида ушбу театрнинг тутган ўрни хусусида яққол тасаввур уйғотади.

Сан-Карло кўҳна анъаналарини сақлаб келаётган кам сонли театрлардан бири бўлгани боис, неаполликлар у билан ҳақли равишда фахрланадилар. XVIII асрда театр Европадаги энг кўп томошабинга мўлжалланган театрлардан саналган. Бироқ XIX ҳамда XX асрларда театр биносида олиб борилган қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари натижасида унинг сиғими камайди. Театр ўтмишда 3 минг 285 томошабинни сиғдира олган. Айни пайтда 1 минг 386 томошабинга хизмат кўрсатмоқда.

Театр Неаполь қироли, бурбонлар сулоласи вакили Карл III ташаббуси билан меъморлар Жованни Антонио Медрано ҳамда Анжело Карасале лойиҳаси асосида бунёд этилган. Унинг очилиш маросими 1737 йилнинг 4 ноябрида ўтказилди. Шу муносабат билан Пьетро Метастазио қаламига мансуб "Ахил Скиросда" пьесаси саҳналаштирилади.

1816 йилнинг 12 февралида Сан-Карло театрида ёнғин келиб чиқади. Натижада театр биносини қайта тиклашга эҳтиёж туғилади. Театрни меъмор Антонио Николини қайта тиклайди. Таъмирдан чиқарилган театрда 1817 йилнинг 12 январь куни Иоганн Симон Майрнинг "Партенопе орзуси" операсининг премьераси бўлиб ўтади. Унинг қайта очилиш маросимида иштирок этган машҳур француз ёзувчиси Стендаль театр маҳобатидан илҳомланиб шундай дейди: *"Европада Сан-Карло билан тенглаша оладиган театр йўқ... У кўзларни қамаштиради, қалбларни тўлқинлантиради"*.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида театр биносининг тўпга тутилиши оқибатида Сан-Карло бироз муддат ўз фаолиятини тўхтатиб турди. 1969 йилда яшин уриши натижасида бинонинг ташқи томони жиддий зарар кўради. Таъмирлаш ишлари олиб борилгач, театр ўз фаолиятини қайта тиклайди. Театрда сўнгги таъмирлаш ишлари 2008 йилда амалга оширилди. Бунинг учун 60 миллион евро сарфланди: ундаги барча эски ўриндиқ янгисига алмаштирилди, ички қисми ўзига хос тарзда безатилди, иншоот совитиш тизими билан тўлиқ таъминланди.

Жоаккино Россини 1815-1822 йилларда Сан-Карло театрининг мусиқий ҳамда бадиий раҳбари сифатида "Елизавета, Англия қироличаси", "Газета", "Отелло", "Армида", "Моисей Мисрда", "Риччардо ва Зораида", "Германа", "Ббянка ва Фальеро", "Эдуард ва Кристина", "Кўл қизи", "Магомет иккинчи" ҳамда "Зельмира" сингари операларни саҳналаштирди. Россинидан сўнг Италия операсининг яна бир йирик намояндаси — Гаэтано Доницетти театрнинг бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. 1822-1838 йиллардаги театрдаги фаолияти давомида ўн олтита операни саҳналаштирди. Улар орасида "Мария Стюарт", "Роберто-Деверо", "Полиевкт" ҳамда "Лючия ди Ламмермур" сингари дунёга машҳур опералар бор.

Ўтган асрда Карл Орфнинг "Ой", Альбам Бергнинг "Воццек", Жузеппе Вердининг "Макбет", "Шоҳ Эдип", Игорь Фёдорович Стравинскийнинг "Персефона" ҳамда Бенжамин Бриттенинг "Питер Граймс" опералари намойиш этилди. Театр саҳнасида Беньямино Жильи, Энрико Карузо, Жузеппе Ди Стефано, Изабелла Кольбран, Мария Каллас, Франко Корелли, Тоти даль Монте, Марио дель Монако, Жакомо Лаури-Вольпи, Мария Малибран, Жованни Батиста Рубини, Жудитта Паста, Монсеррат Кабалье, Пласидо Доминго, Лучано Паваротти, Хосе Каррерас каби машҳур опера ижрочилари ўз маҳоратларини намойиш этишган.


2011 йилнинг 1 октябридан театрда "MeMUS" деб номланган мультимедиа музейи фаолият кўрсатади. Унда кўргазма зали, 3D галерея, 50 ўринли томошалар ўтказиладиган хона ўрин олган. Китоб дўконидан эса театр тарихига доир китоблар, опералар ёзилган аудио ҳамда видеоёзувли дискларни, шунингдек, неаполлик рассом ҳамда ҳунармандларнинг тасвирий санъат намуналари ва эсдалик буюмларни харид қилиш мумкин.

Театр бўйлаб мунтазам равишда саёҳатлар ташкил этилади. 45 дақиқали саёҳатнинг нархи катталар учун 6, болалар учун 3 евро этиб белгиланган.

Мухлиса ДОНАБОЕВА тайёрлади.

Дунёдан дараклар

ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ СУПЕР КОМПЬЮТЕР



АҚШнинг "Оук Риж" миллий лабораторияси дунёдаги энг кучли суперкомпьютерни ишга туширди, деб хабар тарқатган "rbc.ru".

У "Суммит" деб номланиб, ишлаш тезлиги 200 петафлопс — бир сонияда 200 минг триллион амалиётни бажара олиш имкониятига эга. АҚШ бу билан энг кучли суперкомпьютерлар рейтингида биринчи ўринга чиқиб олди. Рейтингда бунга қадар биринчи ўринда Хитойнинг "Sunway TaihuLight" суперкомпьютери турар эди. Унинг иш қуввати 93 петафлопсни ташкил этади.

"Суммит" суперкомпьютерининг ишга туширилиши АҚШ илмий инновация ва технологияларни ривожлантириш соҳасида етакчи ўрин эгаллашининг намойишидир. Бу, айниқса, энергетика, илмий кашфиётлар, иқтисодий рақобатбардошлик ҳамда миллий хавфсизлик соҳаларидаги тадқиқотларга катта таъсир кўрсатади", дейди АҚШ энергетика вазири Рик Перри.

ҲАВОДАН ЁҚИЛҒИ ОЛИШ МУМКИН




Канадалик бир гуруҳ олимлар қимёвий реакциялар орқали бевосита атмосферадан карбонат ангидрид олиш усулини ўйлаб топишди. Бу ҳақда "Joule" журналида хабар берилган.

Айтилишича, "Carbon Engineering" махсус компанияси газ йиғиш жараёнини тушунтириб берган. Уларнинг технологияси бўйича ишланганда йилига бир миллион тонна карбонат ангидрид қайта ишлаш мумкин. Бу технологиянинг афзаллиги — унинг ишлаши учун кам харажат талаб қилишида. Масалан, ҳаводан бир тонна газ олиш учун 100-250 АҚШ доллари сарфланади, холос.

Аввалроқ россиялик олимлар ҳам ҳаво ва сувни ёқилғига айлантириш усулини ўйлаб топган эди. Бунда мутахассислар электролизлардан фойдаланиб водород ва кислород олишга муваффақ бўлди. Кислород ҳавога тарқаб кетса, юқори ҳароратда катализатор қўлланилиб, водород карбонат ангидрид билан реакцияга киришади. Бу жараён натижасида метан олинади.

ҲАЙДОВЧИСИЗ АВТОМОБИЛЬ ЮК ЭЛТАДИ



Яқинда Америкадаги супермаркетларнинг йирик тармоғи "Kroger" ҳамда кичик ҳажмли юк автомобилида маҳсулот ташишни ўз ичига олган стартап — "Nuro" компанияси ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тизимини буткул ўзгартиришга қарор қилди. Улар етказиб берувчи курьер ўрнига ҳайдовчисиз автомобилдан фойдаланишни йўлга қўйишди. Айни пайтда ушбу хизмат тури ўз ишини бошлади. Бу ҳақда "hi-news.ru" сайти хабар берди.

"Nuro" машиналари олд ойна ва маҳсулот жойланадиган бир нечта бўлинмалардан иборат. Унинг томида сенсорлар ва масофани аниқлаш учун камералар жойлаштирилган.

Маҳсулотларга буюртма бериш махсус дастур орқали амалга оширилганидан кейин харидор манзилига маҳсулотлар тўлдирилган машина келади. Шунда буюртмачи маҳсулотларни олиши учун автоуловдаги панелга махсус кодни киритиши керак бўлади.

Айни пайтда ушбу лойиҳа синовдан ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирча автомобиль ичида оператор бор. У фавқулодда вазият туғилса бошқарувни ўз қўлига олади. Синов муддати муваффақиятли якунлангандан сўнг ҳайдовчи-операторларга ҳожат қолмайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Хиёбон

СЎНГГИ ҲИМОЯ ҚУРОЛИ

ЁХУД РАКЕТАДАН ҚУДРАТЛИ, ГУЛДАН НОЗИК КУЧ

ТАНИҚЛИ ШОИР, "МАЪНАВИЙ ҲАЁТ" ЖУРНАЛИ БОШ МУҲАРРИРИ ЭШҚОБИЛ ШУКУР БИЛАН СУҲБАТ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бир йилнинг ичидаёқ китобга, мутолаа маданиятига муносабат кескин ўзгарди, бу ўзгариш маълум бир қатлам доирасидагина эмас, оммавий тарзда содир бўляпти.

Очиғи, кейинги вақтда китобдан анча узоқлашиб қолган эдик. Яъни бу, шубҳасиз, фикрдан, маънавий илдизлардан, ўзликдан йироқлашиш, тараққиётдан ортда қолиш эди. Китоб одамни фикрлашга, ўз-ўзини таҳлил ва тафтиш қилишга, ҳаётни тўғри идрок этишга ўргатади. Демак, жамият маънавияти учун китоб энг муҳим воситадир. Китобга, адабиётга Президент даражасидаги катта эътибор қўлига қалам тутган, ўзини билган ҳар бир ижодкор учун ҳам юксак рағбат, ҳам катта масъулиятдир.

— Модомики гап оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилавий китобхонлик ҳақида борар экан, ижодкорнинг шаклланишида болаликнинг ўрни хусусида тўхталмасдан бўлмайди...

— Одам болалигини болаликдай яшаши керак. У бола кўзи билан дунёни кўрмаса, кексайганда ҳам кўп нарсадан бебаҳра қолади. Биз кейинги пайтларда шу нарсага кўп эътибор қилмаяпмиз, эътибор қилмаяпмиз эмас, ҳатто баъзида бунга терс йўл тутяпмиз. Саккиз-ўн яшар болакайнинг бола шаклидаги чолга айланиб қолиши маъқул эмас. Уни ақлли қиламан, деб сафсатабозга айлантириб қўймаслик керак.

Бир учрашувда 6-7 яшар болага тантанали суратда сўз берилди. Болагина ҳам шундай сайраб кетдики, тўтиқушлар йўлда қолади. Ҳай, майли, тили бурро экан, яхши-да, деб ўтирган эдик, болакай бирдан "СССР даврида ундай эди, энди бундай бўлди", ҳатто "СССР даврида биз ундай бўлганмиз-у, бундай бўлганмиз", деб кўр-кўрона ёдлатилган гапларни сота кетди.

Саҳнада 7 яшар бола гапиряптими ё 70 яшар чол гапиряптими — биз билолмай ҳайрон. Ўша даврни кўриб-кечирганлар шундай гапирса, уларга ярашади.

Гап шундаки, бу кетишда бундай болалар болалигини







йўқотиб қўйиши мумкин. Бунақада улардан маҳмаданалар ясалади. Бола болаликни боладай яшаши керак. Чумчуқ билан гаплашадими, дарахт билан гаплашадими ё бобоси биланми, унинг ўзига қўйиб беринг. Бир чимдим сохта шуҳрат деб боланинг қалбини уёқдан буёққа судраш жоиз эмас. Шунда улар сохта гаплардан узоқда улғаяди.

Яқинда бир мактабда учрашувда бўлганимда, шеърлар машқ қиладиган ўқувчилар билан гаплашдим, шеърларини эшитдим. Болаларда иштиёқ баланд, ёниб турибди, лекин шеърларнинг аксарияти бир хил. Бу шеърларни декламация ва баландпарвозлик шоқкини эгаллаган. Уларнинг деярли ҳаммасида "Ватан" сўзига "жон ва тан"ни ҳадеб қофия қилиш, бир-бирига тақлид ва такрорни кўп кўрасиз.

Ўқувчилар шеърларининг аксарияти Ватан ва мустақиллик ҳақида. Ватан ҳақида ёзиш яхши, бироқ ўзига хос ва рост ёзиш керак. Ҳаммага маълум гапларни қайтараверишнинг ёмон. Уларда "Ҳар бир шеъримда "Ватан" сўзи иштирок этиши, Ватанни мақташим керак", деган бир жўн қараш пайдо бўлган. Ҳолбуки, "Ватан" сўзи иштирокидаги шеърни ёзиш учун жуда катта тайёргарлик керак. Бу сўзнинг юки баланд. Мен ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилиб: "шеърда "Ватан" сўзи умуман айтилмаса ҳам бу шеър Ватан ҳақида бўлиши мумкин. Яхшиси, кўп осмондан келманглар-да умумий гаплардан қочиб, уйингизнинг олдидан оқаётган ариқ ё кўчангиздаги қари тут ҳақида ёзинг, момонгизнинг сизга бўлган меҳрини шеърга солинг — булар ҳам Ватан ҳақидаги шеър бўлади", дедим. Айниқса, ўқитувчиларимиз бу масалада қаттиқ туриши керак. Болаларнинг ҳаммаси самимий бўлади, улардаги беғуборликнинг ўзи шеър, улардаги соф самимий интилишларнинг ўзи келажакдир. Фақат уларни сохта бақир-чақирларга чалғитиб қўймаслик керак.

Ўзимнинг болалигим ҳақида гапирсам... Кўпроқ бобом ва момомга эргашиб юрганман. Қаерга боришса бирга борганман. Далаларни оралаб, тупроқ йўлларни кечиб бошқа овулларга бориш мен учун ўзга бир оламга саёҳат қилишдай гап эди. Момоларим менга шамол, булут, сув, Ер билан гаплашишни ўргатишган. Улар "Шамол айтар экан, булут айтар экан", деб ҳикоя бошлашарди. Мен уларнинг тилида шеърият тилини кўрганман. Онам ўзбек халқ мақоллари, маталлари ва ибораларининг тирик энциклопедияси десам, тирноқчаям муболаға бўлмайди. Қишлоғимнинг сўлим табиати, бағри дарё одамлари, боболарим, момоларим, отам ва онам — булар менинг илк устозларим.

— Бундан 30 йиллар аввал, замонавий ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Шавкат Раҳмон сизга адабиётда ўз сўзи ва йўли бор шоир, дея катта ишонч билдирган эди. Бугун ўзингизни мана шу ишончни оқладим, деб ҳисоблайсизми?

— Бу ишончни оқладим, десам, мақтанчоқлик қилган бўламан... Яхшиси, мен бошқа мавзуда гапиришни истардим: Шавкат Раҳмон тимсолида ҳақиқий шоирни кўрганман — у ҳар жиҳатдан бутун эди. Унинг шеърларида ўз қалби, қиёфаси ва ботини акс этади, ҳақсевар бир шоир сифатида замондошларининг диёнатли, орли аждодларига муносиб бўлишини истарди. Унинг фаолияти ҳақиқатга қасам каби собит, ҳар бир шеъри сўзга қасам каби мағрур ва ҳалол эди. Мамлакат қалтис бир вазиятга кираётган ўша йиллари юзминглаб иккиланиб турганларга қарата: "Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир", деб ҳайқирган шоир, Ўш – Ўзган воқеалари сабаб бир кечада сочи оқарган шоир, миллат дарахтини миллат қуртларидан тозалайман, деб тинмаган шоир ўзининг катта ижоди ва қисқа ҳаёти билан бизга кўп нарсани ўргатиб кетди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида унинг озодлик учун қанчалар куйиб-ёнганини кўрганман. Шавкат ака жуда фидойи одам эди. У ёшлар учун кўксини қалқон қила оларди. Ўзидан кейин келаётган авлодни тиш-тирноғи билан ҳимоя қиларди.

Талаба пайтимиз Шавкат ака Ғафур Ғулом номидаги нашриётда шеърият бўлимининг мудири эди. Ўшанда у киши менинг қўлёзма ҳолидаги шеърларимни олиб, талабага оғири тушмасин, деб нашриёт ҳарф терувчисига машинкада тердирган (машинкада матнни териш ҳам яхшигина пул турарди-да) ва бу шеърларнинг тўплам ҳолига келишига бош-қош бўлганди. Биринчи китобимнинг номини ҳам Шавкат Раҳмон қўйган: "Сочлари сумбул-сумбул". Бу мен учун катта рағбат эди.

Бундай шоирлар миллат руҳидан бунёд бўлади. Шунинг учун у миллат тақдирини ўзининг тақдири деб биларди, унга миллий масаладаги ҳар қандай мавзунинг катта-кичиги йўқ эди, ҳаммаси муҳим ва ҳаммаси долзарб эди. Унинг:

Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман элдан кейинроқ,

— деган сатрлари шоирлар учун ижодий шиорга айланса арзийди.

— Жамиятда ижодкорнинг ўрни ва роли қандай бўлиши керак? Бу вазифа бугунги кунда қай даражада уддаланаяпти, деб ўйлайсиз?

— Шарқда азалдан аҳли қалам, аҳли ижод жамият гуллари, замон пешвоси саналган. Боболаримиз ҳар жиҳатдан шунга муносиб бўлган. Улар қалам масъулиятини Худога қасам дараjасида ҳис этган. Шу боис бизда қадимдан бадиий асар ёзиш маданияти юксак даражада шаклланган. Лекин кейинги хонликлар, мустабид тузум даврида бу маданиятдан анчагина путур кетгани рост. Ҳар хил ғийбатлар-у, фисқ-фужурлар, олди-қочдиларни ҳам ижод деб тушунадиганлар йўқ эмас. Аҳли ижод ўз даврининг овози, нафақат овози, балки виждони бўлиши керак, деган қоида жамиятда ижодкорнинг ўрни ва ролини белгилаб беради. Лекин бунга муносиб бўлиш осон эмас. Донишмандларнинг "Ҳамма жойда ва ҳамма замонда фаолият кўрсатиш" деган гапи ҳам ижодий фаолиятга тааллуқли деб биламан. Аввало ҳар бир ижодкор ўз вазифасини теран англаши керак. Бусиз у ижодкорлик вазифаси уёқда турсин, уйидаги вазифасини ҳам бажаролмайди. Ҳатто ижодкор тарки дунё қилиб, бир ертўлага кириб кетиб ёзаётган бўлса ҳам, барибир, у ўз атрофидаги дунё, одамлар, воқеалар ҳақида ёзади, муносабат билдиради. Ижодкор ва жамият масаласига шу нуқтаи назардан қараш керак. Донишмандларнинг "Халқ мансиз бутун бўлмайди!" деган гапи бор-ку. Бугунги кун ижодкорлари миллий манфаат масаласида маҳкам туриши керак деб ўйлайман. Бунинг учун аввало ҳар биримиз миллий манфаат моҳиятини замон руҳидан келиб чиқиб англаб олишимиз керак. Миллий манфаат дегани миллий маҳдудлик эмас, худбинлик ҳам эмас. Асло! Миллий қадриятлар, миллий ғурур, миллий тафаккур, имон ва бурч ҳисояси ҳам айни шу манфаат ичида бўлади. Шоирнинг, борингки, бир қамиш ҳақида ёзаётган икки қатор шеъри зимнида ҳам шу сезги ётиши керак. Унинг ижодий маданияти шугина сезгидан бошланиши ҳам мумкин.

— Ижодкор ўзи учун йўналиш топиши, ўша йўналишда ўз сўзини айта олиши ва халқ меҳрини қозониши осон иш эмас. Агар у бир нечта йўналишда ижод қилишни ихтиёр этса-чи? Бунинг учун ижодкор қандай омилларни унутмаслиги керак?

— Назм ва наср бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалар. Улар асли битта нарса. Фақат шакл бошқача. Шукур Холмирзаев бир пайтлар айтганди: "Ҳикоя ёзиш мен учун ҳасратимни айтишдир". Шеър ҳам аслида шу. Шукур ака яна бир гапни бот-бот такрорлаб турарди: "Асар ёзиш бу васиятингни ёзишдир". Мен Чингиз Айтматов қиссаларини шеърдай ўқийман. Назмми, насрми, кичик бир лавҳами, энг муҳими кўнгилни қоғозга тушириш-да. Ижодда кўнгил сари бораверириш керак. Кўнгилда мўъжизалар кўп.

Тилимиздаги сўзлар борасидаги изланишларим ҳам кўнглимнинг иши ва хоҳиши. Ижодкор учун энг муҳим омил унинг кўнглидир.

— Сўз кимлар учундир мулоқот воситасидир. Аммо ижодкор учун у ҳаёт-мамот масаласи, тақдири. Бугунги сўзга, хусусан, тилга бўлган муносабат сизни қай даражада қониқтиряпти?

— Яқинда Сурхондарёга борганимда чолу кампирларнинг янги авлодига дуч келиб қолдим. Булар мен билган чол-кампирлар эмас эди. Мен билган қарияларнинг тили буларда йўқ экан. Мен билган қариялар тилида залворни, рангларни, жозиба ва улуғворликни сезганман. Янги чолу кампирлар эса ҳаминқадар ўзимиз қатори тили қуруққина, феъли синиққина кишилар. Глобаллашув ва ташқи таъсирлар сабаб кейинги йилларда қанчадан-қанча матал ва мақолларимиз, сўз ва ибораларимиз йўқ бўлиб кетяпти. Афсуски, бу кўзга кўринмайди, ўлчайдиган тарозиси ҳам йўқ. Агар тарозиси бўлганда бир йилда фалон тонна матал, фалон тонна ибора йўқотаяпмиз, деб аниқ айтган бўлар эдик. Университетларнинг филология факультетлари, журналистикага ихтисослашган таълим даргоҳлари талабаларнинг таътил вақтларидаги фольклор экспедицияларини яна тиклаб, жонлантириши керак. Бундай экспедицияларда юрган талаба аввало халқимизни ўрганади, ҳаётни, одамларни кўради, шу билан бирга эл орасида қолган матал, мақол ва ибораларни, ривоятларни тўплайди. Бу ҳам тил ҳимояси учун керак бўладиган иш. Ҳозир дунё бўйича тилларнинг аҳволи танглашяпти. Шунинг учун илғор халқлар тил ҳимояси тараддудига тушиб қолган. Миллий тилнинг аҳволи қандай бўлса, миллий дид, миллий тафаккурнинг аҳволи ҳам шундай бўлади. "Ранг кўр, ҳол сўр" деган мақолни миллатларга нисбатан "Тилини кўр, ҳолини сўр", деб татбиқ этиш мумкин. Буни нафақат шоиру адибларимиз, балки ҳар бир миллат вакили ҳис этмоғи керак.

Насиб этса, яқинда она тилимиз ҳақидаги "Бобо Сўз изидан" номли китобим нашрдан чиқади. Унда ўзбек тилидаги сўзларнинг туб илдизи, моҳияти устидаги кузатишларим бор. Тил ва сўзлар ҳақидаги қарашларимни шу китобда жамлаганман ва Худо умр берса бу китобимни яна давом эттираман. Эҳтимол, умримнинг охиригача ёзадиган китобим шу бўлар...

— Бу дунё кураш ва зиддиятлардан иборат. Бугунги кунга келиб унинг фақат шакли, услуби ўзгарган, бироқ мақсад-у муддаоси ўша-ўша — дунёга эгалик қилиш, миллатларни жиловда тутиб туриш... Ғоялар, фикрлар, маданиятлар ўртасидаги шу курашда бугунги ижодкорнинг вазифаси нималардан иборат бўлмоғи керак?

— Очиғи, туйғулар жуда ғариблашиб кетяпти. Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаларига туйғу қашқоқлиги мавзусида очиқ дарс ўтдим. Телевизорда тўлиқ кўрсатишди бу дарсимни. Туйғу қашқоқлашуви жуда ёмон иллат. Одамнинг туйғулари саноқли: Меҳр, Номус, Муҳаббат, Уят, Ғурур, Оқибат кабилар. Шуларни бой берса у симёғочдай серрайиб қолади. Симёғоч-ку бир жойда турар, лекин туйғуларидан мосуво бўлган бундай одам фитнага аралашади, ёмонлик ва ёвузликка қул бўлади. Айниган одамдан ҳайвон минг марта яхши! Одамни туйғулар айнитмайди. Гарчи туйғулар гулнинг япроғидан ҳам нозик бўлса-да, инсонни ракеталар ҳужумидан ҳам ҳимоялай оладиган энг мустаҳкам ҳимоядир. Бугунги ҳарбий ва мафкуравий қуроллар етмиш қават бетонни ёриб ўтиши мумкин, лекин улар шу гулдай нозик туйғулар олдида ожиз қолади. Шунинг учун инсониятнинг сўнгги ҳимоя қуроли унинг эзгу туйғуларидир, деган бўлардим. Муҳими, улар инсон тийнатида бўлиши керак. Йўқса, инсонни забт этиш жуда осон ва жўн бир ҳодисага айланади.

— Сўзларингиздан англашиляптики, миллий дид ва уни асраш сизни ҳамиша безовта қилади...

— Миллий дид жуда катта тушунча. Мен унинг нима эканини ҳис этаман. Миллий диди йўқ миллат миллат эмас, у тўда, холос. Бизнинг миллий дидимиз — бу бизнинг минг йилликларимиздир, босиб ўтган йўлларимиздир, унда Навоий, Улуғбек, Қодирий каби даҳоларнинг шуури яшайди. Шу пайтгача неники бунёд этган бўлсак ва бундан кейин неники яратсак, улар миллий дид тимсолидай намоён бўлади. Оддийгина кийинишимиз, гапиришимиз, саломлашишимиздан тортиб, Самарқанду Хива экзотикасигача, Беруний ва Хоразмийларнинг оламшумул кашфиётларигача ҳамма-ҳаммаси миллий дид билан боғлиқ. Албатта, "оммавий маданият" деган бир бало унга ҳам таҳдид солиб турибди. Бу ёвуз кучнинг мақсади миллатларнинг миллий дидини вайрон қилиш ва бу вайроналарни бойқушлар маконига айлантиришдир. Миллий дидни асраб қолиш ҳақидаги саволингизга келсак, бу — икки-уч минг кишининг эмас, бутун миллатнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир одам аввало ўзининг шахсий дидини асраши керак. Ўзида дид бўлмаган одамнинг миллий дид билан неча пуллик иши бор дейсиз...

— Сўз аҳли ва сўз ихлосмандларига тилакларингиз...


— Тилагимни қуйидаги шеър билан ифодаламоқчиман:

Капалак кулгусин, булут шарбатин
Таъмини тонгларда тотиб кўрганлар,
Ўзимдан улуғдир сизга ҳурматим
Мендан салом олиб, салом берганлар.
Қандай алқай сизни, қандай улуғлай,
Қуёшга табассум қилиб турганлар,
Юрагим тубидан узилган чўғдай
Саломимни олиб, салом берганлар.

"Milliy tiklanish" мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

СОҒЛИҚ УЧУН СУВ ИЧИНГ!



Ёз жазирамасида жонга оро кирувчи халоскор, шубҳасиз, сувдир. Ахир инсон организмининг 70-80 фоизи сувдан иборат. Сув етишмаслиги танадаги айрим табиий жараёнлар бузилишига олиб келади.

Сув миқдори ҳар бир организм учун турлича бўлиб, инсоннинг ёши ва алоҳида хусусиятларига қараб белгиланади. Масалан, янги туғилган чақалоқлар танасида сув миқдори кўпроқ — 80 фоизни ташкил этади. Кейинчалик бу кўрсаткич камайиб боради: ёш болаларда 75 фоиз, катталарда 70 фоизга тушиб кетади. Инсон кексайган сари организмдаги сув миқдори камайиб боради.

Танадаги сув миқдори камайиши терининг қариши, аъзоларнинг меъёрида ишлаши ва моддалар алмашинувининг бузилиши, шунингдек, мия фаолияти сустлашишига олиб келади. Юқоридагиларнинг барчаси сув етишмаслигидан келиб чиқади. Суюқлик етишмовчилигининг олдини олиш учун бир суткада инсон ҳар бир килограмм вазни учун 30-40 миллилитр сув истеъмол қилиши керак. Бундан кўринадики, 65 килограмм вазнга эга одам кунига 2-2,5 литр суюқлик истеъмол қилиши зарур. Сув ичишнинг олтин қоидага айланган миқдори кунига 8 стакан ҳисобланади. Бу орқали инсон бутун танасининг суюқликка бўлган кунлик эҳтиёжини қондирган бўлади. Касаллик, иқлимнинг исиши ва ташқаридаги ҳарорат баланд бўлган вақтда бу миқдорни бироз кўпайтириш мумкин.

Бундан ташқари, сув ичишнинг энг мақбул усули ҳам мавжуд. Оч қоринга, овқатланишдан 30 дақиқа аввал, овқатлангандан икки ярим соат ўтиб, ухлашдан бир ярим соат аввал бир стакан сув ичиш лозим. Бироқ ортиқча сув зарар қилмаслигини ҳам ёдда тутинг.

Сувнинг фойдали хусусиятлари қадимдан маълум. У ҳаёт манбаи ҳисобланиб, сувсиз Ер юзидаги барча жонзот ҳалок бўлиши муқаррар. Замонавий тиббиёт ҳам сувнинг фойдасини яхши ўрганган. Касаллик вақтида ва жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган беморлар учун кўпроқ сув ичиш тавсия қилинади.

Мунтазам сув истеъмол қилиш буйракдаги туз қатламлари, жигардаги заҳарлар ювилишини таъминлайди. Организмни оғир металл ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан тозалайди. Сув табиий фильтр вазифасини ўтаб, буйрак фаолиятини барқарорлаштиради. Эрта тонг уйғонганда, 150-200 миллилитр қайнатилган сув ичиш тунда йиғилган заҳарли шиллиқ қаватларни тозалашга ёрдамлашади ва овқат ҳазм қилиш тизимини ишга туширади. Шунингдек, меъёрида истеъмол қилинган сув организмдаги ёғ қолдиқларини тозалайди. Унутманг, кам сув ичиш — танада кўп ёғ йиғилиши ва ортиқча вазн тўплаш дегани. Аксинча, табиий сув калорияга эга бўлмагани боис озиш учун мақбул восита саналади.

БИЛАСИЗМИ?

Машҳур комик актёр Чарли Чаплиннинг ўзи "Чаплиннинг эгизаклари" кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаган.

ТУРФА ОЛАМ

КАБУТАР-ДРОН ПАРВОЗДА



Хитойнинг Сиан шаҳридаги муҳандислик университети мутахассислари кабутарга ўхшаган дронни намойиш қилди. Гувоҳларнинг айтишича, уларни айниқса, парвоз вақтида ҳақиқий кабутардан ажратиш мушкул, деб хабар беради "mirtesen.ru" сайти.

Лойиҳа муаллифлари бу қурилма фақат фуқаро авиациясида қўллашга мўлжалланганини айтишмоқда. Бироқ робот-қушдан кузатув жараёнида фойдаланса ҳам бўлади.

Кабутар-дронларнинг техник хусусиятлари кишини ҳайратга солади. Улар қудратли камера, GPS ва сунъий йўлдош алоқаси билан таъминланган. Шундай бўлса-да, "қуш" ҳарбий радарлардан яшириниш имконига эга. Муҳандислик университети мутахассислари ушбу қурилмани оммавий тарзда эмас, балки кичик партияда ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 716, Адади — 4273. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Нурбек ЙЎЛДОШЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
УзА якуни — 22.10. Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56